БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 296 (3797)
28 ПАЙШАНБА ДЕКАБРЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОШКЕНТНИНГ РЕЖАЛАРИ

Тошкент шаҳар Советининг VIII сессиясидан

Тошкентликлар туғаб бораётган йилнинг сўнги кунларида зарбдорона меҳнат қилмоқдалар. Улар эришган ютуқ ва муваффақиятлар беҳисобдир. Партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1978 йил) Пленуми қарорларидан руҳланган пойтахт меҳнаткашлари партия томонидан белгилаб берилган ўнинчи беш йиллик планларини муваффақиятли амалга ошириш йўлида бутун куч-ғайратларини сарфламоқдалар. Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг олдинги сафларида бораётган халқ депутатлари эришилаётган меҳнат ютуқларига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Янги 1979 йилда тошкентликлар олдида янада юксак марралар турибди. Шаҳарнинг иқтисодий ва социал-маданий ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида кеча Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг мажлислар залига халқ депутатлари XVI чақириқ шаҳар Советининг депутатлари йиғилишди.

Йиғилганлар олдида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1978 йилда қилган ишлари тўғрисида ҳамда Тошкент шаҳрини 1979 йилда иқтисодий ва социал ривожланти р и ш планини муваффақиятли бажариш тўғрисида Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси **В. О. Козимов** доклад қилди.

— Пойтахт саноат корхоналарининг коллективлари йиллик топшириқни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, деди докладчи, саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича уч йиллик планни муддатидан илгари — 1 декабрда бажарди. Топшириққа қўшимча 275 миллион сўмлик, жумладан 1978 йилда — планга қўшимча равишда 80 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот реализация қилинди.

Маҳсулот реализация қилиш ҳамда буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқиш бўйича беш йилликнинг уч йили плани 20 декабрда бажарилди. Давлат Сифат белгиси билан тайёрланган буюмлар маҳсулот умумий ҳажмининг 12 процентдан ортиқроғини ташкил этади. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг маҳаллий саноат бошқармаси қолоқ корхоналарсиз ишлаб келмоқда.

Илғорларнинг олдинги сафида маҳаллий Советларнинг депутатлари: «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Ш. Холмуҳамедова. «Ўзбекхлопкомаш» бирлашмасининг йўнувчиси Т. И. Игумнов, тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси А. С. Верзилина ва бошқалар боришмоқда.

Шаҳар Советининг энг муҳим ишларидан бири — маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, хилларини кенгайтириш ҳамда халқ истеъмоли товарлари сифатини яхшилашдан иборатдир. Бу борада В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг, бадиий буюмлар фабрикаси, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективлари яхши натижаларга эришмоқдалар.

Ютуқлар беқиёслир. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришдаги мавжуд имкониятларни ишга солинганда, ютуқларимиз бундан ҳам катта бўлган бўлур эди. Бир қатор корхоналар ҳали ҳам баъзи-бир техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича планни бажармайдилар, ишчи вақтининг зое кетишига ва ноўрин сарф-харажатларга йўл қўймоқдалар.

Савдо корхоналари кўп ҳолларда мажбурият шартларини бузмоқдалар. Тошкентнинг тикув ва трикотаж фабрикалари ой сайин савдо тармоқларига келишилган ассортиментдаги товарлардан қарийб 400 минг сўмлик кам етказиб бермоқдалар.

Галдаги вазифа — беш йилликнинг қолган йилларида меҳнатнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва шу асосда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш суръатини бирмунча оширишдан иборатдир.

Шаҳримизда капитал қурилиш кенг миқёсда олиб борилмоқда. Район ижроия комитетлари қурилиш коллективларининг фаолиятларини яхшилаш, ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиш планларининг бажарилишига эришиш ҳамда капитал маблағларни тўла ўзлаштириш, уй-жой қурилишини кенгайтириш борасида қунт билан иш олиб бормоқдалар.

Қилинган ишлар сўнгги натижасида бу йил маданий-маиший объектлар комплекси билан биргаликда 860 минг квадрат метрга яқин уй-жой фойдаланишга топширилади. Уй-жой қурилишига сарфланаднган капитал маблағ 1975 йилдагига нисбатан қарийб 40 процент кўпаяди. Мусобақанинг олдинги сафида «Висотстрой», «Ташинжстрой», «Ташметрострой» трестлари, 7-кўприк отряди ва бошқа коллективлар бормоқдалар.

Шу билан бирга, капитал қурилиш иши жуда секин яхшиланмоқда. Шаҳардаги қурилиш ва монтаж ташкилотлари бригада пудрати методини кенг жорий этишлари, қурилиш майдонларида икки сменали иши ташкил қилишлари, кам ишчи кучи билан қурилиш монтаж ишларини бажариш учун мусобақани кенг кулоч ёйдиришлари зарур.

Пассажир транспорти корхоналарининг ишида маълум даражада ижобий силжишлар рўй берди. Уларнинг модлий-техника базаси бирмунча мустаҳкамланди. Биргина шаҳар электр транспортини (метрополитен бундан мустасно) яхшилашга беш йиллик бошидан буён 18 миллион сўм капитал маблағ сарфланди. Ҳаракат составы парки 700 та трамвай ва троллейбус вагонлари, автобуслар билан тўлдирилди. Янгил таксилар ёнига юзлаб янги машиналар қўшилди.

Шу билан бирга, пассажир транспорти ишини яхшилаш учун ҳали кўп ишларни қилиш керак. Бу борада метрополитен коллективининг фаолияти яхши мисол бўла олади.

Маиший хизмат кўрсатиш, савдо, коммунал хўжалиги ходимлари олдида ҳам катта вазифалар турибди. Катта ҳажмда ободонлаштириш ишларини бажариш, медицина хизматини яхшилаш, шаҳар хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик кўрсатишдек муҳим вазифалар турибди. 1978 йил план ва мажбуриятларининг бажарилиши олдимизга қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг асоси бўла олади.

Республика пойтахтининг меҳнаткашлари шаҳар партия ташкилотининг раҳбарлигида, маҳаллий Советлар депутатларининг актив иштирокида 1978 йилда шаҳар хўжалигини иқтисодий ва социал ривожланти р и ш планларини муваффақиятли амалга оширишда янгидан-янги ютуқларга эришадилар, Тошкент коммунистик меҳнат, юксак маданиятли ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳар бўлиб қолиши учун улар қўлларидан келган ҳамма ишларни қиладилар. деб ишонч билдиришга ижозат берғайсиз, деди сўзининг охирида **В. О. Козимов.**

Депутатлар ҳузурида шаҳар план комиссиясининг раиси **Ш. Р. Мирсандов** Тошкент шаҳрини 1979 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш плани тўғрисида гапирди.

Планнинг бош мақсади, деб таъкидлади докладчи, илгаригидек шаҳарликлар моддий ва маданий турмуш даражасини бундан буён янада оширишдан иборатдир. Бу план Тошкент шаҳрини ривожлантиришнинг бешинчи йиллик планига мувофиқ, шаҳар ижроия комитети бошқармалари, бўлим ва трестларининг халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетларининг таклифларини ҳисобга олинган ҳолда тузилган.

Шаҳар халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини бундан буён ҳам пропорционал ривожлантириш планда кўзда тутилган. 1979 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми шу йилнинг планига нисбатан 6.4 процент жумладан маҳаллий саноат бошқармасида — 6.8 процент ортади. Маҳаллий Советларнинг объектлари қ у р и л и ш и га сарфланадиган капитал маблағ х а ж м и 185 3 миллион сўмни ташкил этади. Бу шу йилги пландан 2.9 процент кўпдир. Давлат ва кооператив савдоси чакана товар оборотн 6.4 процентга ортади. Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми шаҳар бўйича 7.9, аҳоли жон бошига ҳисобланганда — 4.3 процент ортади ва 51.4 миллион сўмни ташкил этади.

Шаҳар транспортида пассажирлар ташиш 1978 йилдагига нисбатан 2.6 процент кўпаяди. Бунда сифат ва эксплуатация кўрсаткичларига аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга алоҳида эътибор берилади.

Маҳаллий Советларга қ рашли уй-жой фондларин капитал ремонт қилиш шаҳар бюджети маблағида 12.2 миллион сўм ажратил 178 минг квадрат метр у жойини ремонтдан чиқарил кўзда тутилган. Шунингде 1.3 миллион квадрат мет йўл ва тротуарларни. 6 километр сугориш шохобч ларини. 60 километр кўч даги ёритиш ускуналарин ремонт қилиш. 17 гектар якин яшил зона барпо этиш кўзда тутилянти.

Фанни, маориф ва мад ниятни, соғлиқни сақла физкультура ва спорт. с циал таъминотни бунда буён янада ривожлантири кўзда тутилган. Планда ш ҳар хўжалиги структурас ва бошқаришни такомиллаш тириш, ҳаво ва сув ҳавза ларини муҳофаза қилиш янги техникани жорий этиш каби масалаларга кенг ўри берилган.

Сессияда шаҳар моли бўлими мудири **Р. У. Тўра қулов** «1979 йилги маҳал лий бюджет тўғрисида в 1977 йилги бюджетнинг ия роси ҳақида» доклад қилд

Шундан кейин Тошкен шаҳар Совети доимий пла бюджет комиссиясининг р иси **А. А. Крикоров** муҳо кама этилган масала юза сидан қўшимча доклад қил ди.

Сессияда қилинган доклад лар юзасидан музокаралар да депутатлардан: Сергел район партия комитетини биринчи секретари **Г. П Стешенко,** халқ депутатлар Фрунзе район Совети ия роия комитетининг раис **Б. И. Бекмирзаев,** «Глав ташкентстрой» бошлиғини ўринбосари **Л. З. Тоиров** «Компрессор» заводини директори **Н. С. Новаченко** клиник ва эксперимента х и р ургия Бутунитти фоқ илмий-тадқиқот инсти тути филиалининг директор **В. Воҳидов,** будка-кюш тер комбинатининг техноло ги **З. Нурмуҳамедова.** Ни зомий номли педагогика инс титутининг ректори **Х. Т Турсунов,** В. П. Чкалов ном ли Тошкент авиация ишла чиқариш бирлашмасини комплектловчиси **В. Ф. Су раевалар** сўзга чиқишди Депутатлар ўз сўзларид шаҳар Совети муҳокамаси га қўйилган Тошкент шаҳри ни ривожлантириш плани нинг лойиҳасини, шунинг дек, 1979 йилги шаҳар бюд жетини тўла маъқулладил лар. Музокарада сўзга чиқ қанлар белгиланган вазифа лар. аввало ишлаб чиқариш даги мавжуд резервлардан самарали фойдаланишни, социалистик мусобақанинг форма ва методларини янада такомиллаштиришни белгиланган топшириқ устидан аник назоратни амалга оширишни, меҳнат ва давлат интизомига қатъий риоя қилишни, ҳар бир меҳнат кишисини ўзига топширилган вазифага нисбатан юксак масъулиятлилик руҳида тарбиялашни таъминланган дагина муваффақиятли амалга оширилади, деб таъкидладилар.

Сессияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари **У. У. Умаров** сўзга чиқди.

ХАЛҚ БИЛАН ПАРТИЯ—ЯКДИЛ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛА БОШЛАНДИ

Сайлов кампаниясида муҳим ва масъулиятли босқичга кирдик: 27 декабрь куни мамлакатда СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатила бошланди.

СССРнинг янги Конституцияси қабул этилганидан кейинги биринчи сайловга тайёргарлик юксак сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати вазнитида ўтмоқда. Мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органига ўтказилган навбатдаги сайловдан кейин босиб ўтилган йўлга назар ташлаб, совет кишилари партия XXV съезди қарорларини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажаришдаги муваффақиятларини фахрланиб қайд этмоқдалар. КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарлари меҳнаткашларни янги зафарларга руҳлантирмоқда.

Советлар мамлакатидаги сайлов —социалистик демократиянинг афзалликларидан яққол далолат беради, бу афзалликлар СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги янги қонунда ўз ифодасини топган. Сайловчилар ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларнинг энг яхши, энг обрўли намояндаларини халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатмоқдалар. Улар Коммунистик партия билан Совет давлати раҳбарларининг номларини меҳнат коллективларидаги йиғилишларда биринчи бўлиб тилга олмоқдалар.

х х х

Тошкент тўқимачилик комбинатининг гул босиш фабрикаси 27 декабрь куни ранг-баранг плакатлар ва транспарантлар билан безатилди. Бу ерда Ўзбекистон пойтахтидаги енгил саноатнинг энг катта корхонаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган кўп кишилик йиғилиши бўлди. Йиғилишни партия комитетининг секретари А. Ф. Файзуллаева очди.

Иккинчи йигирув-тўқув фабрикаси биринчи тўқув цехининг мастер ёрдамчиси Ю. Мадаминов минбарга чиқади.

— Бугун бизда катта байрам,— дейди у.— Биз СССРнинг янги Конституциясига мувофиқ халқ ҳокимияти олий органи — СССР Олий Совети депутатлигига ўз номзодларимизни кўрсатишимиз керак. Шу тантанали дамларда биз аввалги сайловдан кейин босиб ўтган йўлга назар ташлагимиз келади. Шу йиллар мобайнида КПСС XXV съезди ишлаб чиккан улуғвор программани муваффақиятли амалга ошира бориб, анча илгарилаб кетдик. Ўйлайманки, ҳаммамиз учун азиз инсон, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневни биринчи номзодимиз, деб атасам, бутун кўп кишилик коллективимизнинг фикрини ифодалаган бўламан.

Йиғилиш қатнашчилари бу таклифни қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар.

Биз ҳаммамиз бутун халкимиз деди сўзини давом эттириб нотиқ.— Леонид Ильични содиқ ленинчи, атоқли сиёсат ва давлат арбоби эканини биламиз. У бахтиёр ҳаёт учун, яхши тинчликни мустаҳкамлаш учун тинимсиз курраш билан бутун совет халқининг, ер курраси даги барча соф дил кишиларнинг меҳр-муҳаббатига ва иззат-ҳурматига сазовор бўлди. Унинг иттифоқдош республикалар, жумладан Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини равнақ топтиришга жуда катта эътибор бераётганлиги учун биз астойдил миннатдормиз. Леонид Ильич пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатди. Пахта толасини яхшилаш юзасидан окилона маслаҳатлар берди, унинг бу маслаҳатлари биз тўқувчиларга ҳам алоқадордир.

Биринчи тўқув фабрикасининг тўқувчиси Н. В. Ершова бу таклифни қўллаб-қувватлаб. давлат ҳокимиятининг олий органига тўқувчи Дилбар Баратовна Қулматованинг номзодини ҳам кўрсатди. Тўқимачилик комбинатига саккиз йил мукаддам Оққўрғон районидан ишга келган бу ёш ишчи ўзининг ҳалол меҳнати билан коллективнинг иззат-ҳурматини қозонди. Кўпгина яхши ишларнинг ташаббускори бўлган Дилбар нормадагидан икки баравар кўп, яъни 42 та станокда ишламоқда. Ёш коммунист Қулматова «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланган. Ленин комсомоли мукофотининг. опа-сингил тўқимачи Виноградова номидаги мукофотнинг лауреати бўлган.

Ип йигириш фабрикасининг комсомол ташкилотчиси С. Тюменева, гул босиш фабрикаси контрол браклаш цехининг бошлиғи С. Содиқов. тўқув цехининг мастер ёрдамчиси Ю. В. Биткин ўз сўзларида киритилган таклифларни қўллаб-қувватладилар. Улар Тошкент тўқимачиларь сайловни меҳнатда, беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муносиб бажариш йўлидаги мусобақада янги-янги муваффақиятлар билан нишонлайдилар, деб айтдилар.

Йиғилиш қатнашчилари **Леонид Ильич Брежнев** билан **Дилбар Баратовна Қулматовани** 600-Тошкент — Ленин сайлов округидан СССР Иттифоқи Олий Совети Иттифок Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга якдиллик билан қарор қилдилар.

Депутатликка номзодларнинг ишончли кишилари, округ сайлов кенгашига вакиллар сайланди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Белоруссия ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашларини катта байрам — Белоруссия Совет Социалистик Республикаси ва Белоруссия Коммунистик партиясининг олтмиш йиллиги билан қизғин ва самимий қутлайдилар ва табриклайдилар.

● КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 27 декабрь куни Кремлда бир группа ўртоқларга Ватан мукофотларини топширди.

● «Венера-11» станциясининг туширилувчи аппарати янги районда Венера планетасини тадқиқ этаётганлиги ҳақида ТАСС ахбороти эълон қилинган.

МАЛАКА ОШИРИШДИ

БУГУН

ҳунар-техника таълими ходимлари малакасини ошириш Бутуниттифоқ институтининг Тошкент филиалини яна юздан ортиқ ишлаб чиқариш таълими мастери битириб чиқди. Икки ойлик курсларда қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юртларининг педагоглари малака оширишди. Улар ўтган муддатда КПСС XXV съезди, партия Марказий Комитетининг бўлиб ўтган Пленумлари материалларини ўрганишди, иқтисод, педагогика, психологияга оид лекциялар тинглашди.

Пойтахтнинг ҳунар-техника билим юртларида амалий машғулотлар ўтказилди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ КОМИССИЯСИ БЕЛГИЛАГАН САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНЛАРИНИНГ ФОРМАЛАРИ

СССР Олий Советига сайловлар
« » _____ 19 йил
(сайловлар куни)

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказиладиган
_____ нчи _____ сайлов округи

Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Депутатликка номзоди ким томонидан кўрсатилди

Оқ ранг

СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи _____ нчи _____ сайлов округининг округ сайлов комиссияси.

СССР Олий Советига сайловлар
« » _____ 19 йил
(сайловлар куни)

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

_____ дан
(иттифоқдош республиканинг номи)
СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказиладиган
_____ нчи _____ сайлов округи

Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Депутатликка номзоди ким томонидан кўрсатилди

Ҳаво ранг

СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи _____ нчи _____ сайлов округининг округ сайлов комиссияси.

СССР Олий Советига сайловлар
« » _____ 19 йил
(сайловлар куни)

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

_____ дан
(автоном республика, автоном область ёки автоном округнинг номи)
СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказиладиган
_____ нчи _____ сайлов округи

Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Депутатликка номзоди ким томонидан кўрсатилди

Пушти ранг

СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи _____ нчи _____ сайлов округининг округ сайлов комиссияси.

САВДО-СОТИҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетида бўлиб ўтган кенгашда савдо-сотиқни ривожлантириш билан алоқадор масалалар кўриб чиқилди. Кенгаш ишида область халқ контроли комитетларининг вакиллари, министрликлар ва идораларнинг, савдо ташкилотларининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Кенгашда аҳолига савдо-сотиқ хизматини ҳар томонлама яхшилаш соҳасида оқибат органларнинг кўрсатмаларини бажариш устидан контролликни янада кучайтириш борасидаги амалий тадбирлар белгилаб олинди.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси Н. Маҳмудов кенгашда нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

ТЎРОБ ТЎЛАНИНГ ЮБИЛЕЙИ

Таниқли ўзбек шоири, драматурги, киносценарийчиси Туроб Тўла 60 ёшга тўлди. 26 декабрь куни Муқимий номли ўзбек давлат музикали театрида ана шу санага бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Кечада сўзга чиққан қаламкаш ўртоқлари, маданият арбоблари, китобхонлар ўзбек совет адабиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган ёзувчини қизғин табрикладилар. Туроб Тўла асарлари ватанпарварлик, Ватан учун ифтихор туйғуси билан тўлиб-тошгандир. Улар юбилярга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, янги ижодий муваффақиятлар тилашди.

Кечада Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Яшин Туроб Тўлага Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси гувоҳномасини ва кўкракка тақиладиган нишонини топширди. (ЎзТАГ).

ОЛИМЛАР ЙИҒИЛИШИ

26 декабрда В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлими академиклари ва мухбир аъзоларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш академиянинг уставига мувофиқ ўн кишидан иборат бўлим президиумини сайлади. ВАСХНИЛ вице президенти, бўлим президиумининг раиси, ВАСХНИЛ академиги С. Х. Йўлдошев, раис ўринбосари Г. А. Габриельянц ва ВАСХНИЛ мухбир аъзоси А. С. Цамутали, Ўрта Осиё регионининг бошқа етакчи олимлари президиум составига киритилдилар.

Бўлим илмий-тадқиқот институтларининг директорлари ҳам сайланди. (ЎзТАГ).

• *Шарҳчи сатрлари*

ЭРОННИНГ СУРОНЛИ КУНЛАРИ

Кейинги бир ҳафта давомида Эрондаги ҳукуматга қарши оммавий ғалаёнлар тўлқинининг бир мунча пасайиши аслида янги норозилик бўрони олдидаги жимликдангина иборат бўлиб чиқди. Сезгир сиёсий кузатувчилар шу гапни айтиш билан бирга Эронда ҳозирги ҳукуматга қарши намойишлар тобора равшан қиёфага киргаётганини қайд этмоқдалар. Биринчидан, халқ оммасининг ҳаракати мамлакатда ижтимоий ва сиёсий адолат ўрнатишга қаратилган. Бу ҳаракатнинг сафларига Эрон жамиятининг тобора кенг ижтимоий қатламлари қўшилмоқда. Ўн минглаб иш ташлаган нефтчиларни энди ўқувчи ёшлар, хизматчилар, зиёлилардан юз минглаб киши қўллаб-қувватлам о қ д а. Америка ахборот агентлиги — ЮПИ мухбири шу муносабат билан тортмоқдалар. Ана шу қатламларнинг ҳаммаси ҳозирги ғалаёнлар чуқур ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий характерга эга эканлигининг ифодасидир.

Иккинчидан халқ оммасининг ҳозирги ҳаракати тобора империализмга қарши ва, аввало, Америкага қарши тус олаётгани равшан кўринмоқда. «Янкилар, Эрондан йўқолинглар!» деган ва шу каби шиорлар намойишлар колонналари орасида, иш ташлаган корхоналарнинг дарвозалари ёнида тез-тез пайдо бўлмоқда. Шоҳ режими ошкора америкапарастлик йўлини тутаётганидан норозилик шу тарика ўз ифодасини топмоқда. Бунда Вашингтоннинг Эрондаги вокеаларга таъсир ўтказиш йўлидаги уриниши кучайиб боришига қарши зўр норозилик намойишлар ҳам намоён бўлмоқда.

Америка пойтахтида ошкора безовталик ҳукм сурмоқда. У ердагилар ер курраснинг Қўшма Штатлар учун муҳим бўлган ана шу стратегик районида ижтимоий ва сиёсий портлаш рўй беришини «пайқамай қолганлиги» учун Марказий разведка бошқармасини қоймоқдалар. Бой берилган имкониятни қайтариб олиш учун Америка пойтахтидан Техронга ди Ливандаги «Ад-дунё» газетаси.

АҚШнинг Эронга андишасизларча буйруқ беришга уринаётганлиги бутун дунёда кескин норозиликка сабаб бўлмоқда. Эрон халқи ўзининг жуда мураккаб ички муаммоларини четдан империалистларнинг аралашувисиз ҳал этишга қодир.

С. СТОКЛИЦКИЙ,
ТАСС обзорчиси.

Партия турмуши

ЖАНГОВАР ПРОГРАММА АСОСИДА

Пойтахтимиз саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари ва муассасалари партия ташкилотлари шу кунларда XXII шаҳар партия конференцияси белгилаб берган конкрет режаларни изчил амалга ошириш иштиёқи билан тўлиб-тошганлар. Унинчи беш йилликнинг тўртинчи йили арафасида социалистик мусобақа янги кўрилмаган даражада кенг тус олмоқда. Меҳнат коллективлари беш йилликнинг ўтган йилларига якун ясаб, янги юксак марраларни кўзлаб иш тутмоқдалар.

Махсус мухбиримиз Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитети секретари А. Ф. ФАЙЗУЛЛАЕВадан коллективнинг куч-ғайратини беш йиллик режаларини бекамукўст адо этишга сафарбар этишда партия ташкилоти олиб бораётган ишлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— **Коммунистлар мусобақанинг олдинги сафларида қандай натижалар кўрсатишяпти?**

— Дарвоқе, комбинатимиз коммунистлари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили режаларини амалга оширишда социалистик мусобақанинг дамо олдинги сафида бўлдилар. Улар ишлаб чиқаришнинг қизиқ участкаларида жасорат намунаси кўрсатиб умумий ютуқларимизга катта ҳисса қўшмоқдалар. Комбинат партия комитети мусобақанинг таъсирчанлигини, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги етакчилик ролини ошириш юзасидан кўпгина тадбирларни кўрди.

Л. Хегай, З. Ҳайдарова сингари меҳнат зарбдорлари бошчилик қилаётган коллективлар қимматли ташаббусларни бошлаб беришди. Уларнинг ватанпарварлик ҳаракатлари қизғин қўллаб-қувватланди. Бугунги кунда ишлаб чиқариш илғорлари В. Солдатова, Б. Жўраева, Л. Герасимова, В. Кузнецова, А. Верзилина, Д. Қулматова сингари ўнлаб коммунистик меҳнат зарбдорлари номини бутун республикамиз биларди. Улар беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этишди. А. Борисова, А. Турсунов бошчилик қилаётган участкалар, 60 га яқин бригада, юзлаб ишчилар беш йилликнинг уч йили топшириғини бундан икки ярим — уч ой илгари адо этишган эди. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати кун сайин кенг қулоч ёймоқда. 8 мингга яқин киши бу ҳаракатда қизғин иштирок этмоқда. Ҳозиргача 15 смена, 203 бригада, 2 мингдан зиёд киши коммунистик меҳнат зарбдори номини олди.

— **Беш йилликнинг учинчи йилида комбинат коммунистлари халқимизга янги хил маҳсулотлар етказиб бериш йўлида қандай ишларни амалга оширишди?**

— Маҳсулот сифатини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалалари ҳамиша партия комитетининг диққат марказида турди. Пардозлаш фабрикасида янги техника ишга туширилиши муносабатидан давлат Сифат белгиси ва «Н» индекси билан маҳсулот тайёрлаш анча кўпайди. Янги хил бўяш ва қуритиш аппаратлари ишга туширилиши туфайли ипларнинг сифати, чидамлилиги ошди. Улар камалак ранглари каби хилма-хиллашди. Беш йиллик бошидан буён газламалар учун 320 та янги хил гуллар ишлаб чиқилди. Ҳозир беш хил газлама ва икки хил ипга давлат Сифат белгиси берилган.

Йигирувда меҳнат унумдорлиги 4,8, ип ишлаб чиқариш борасида 6,9, пардозлаш фабрикасида 8 процент ошди.

Сўнгги йиллар тажрибаси шуни кўрсатяптики, партия қуйи звенолари ишини тўғри ташкил этиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ва коллективни комплекс тарбиялаш савиясини яхшилашга катта таъсир этади. Барча цех ва бригадалардаги коммунистларни бир-бирларининг муваффақиятларидан хабардор қилиш, камчиликларни эса рўйрост очиб ташлаш мусобақанинг таъсирчанлигини оширмоқда. Бизда 57 цех партия ташкилоти ва 77 партия группаси мунтазам суратда ўзаро тажриба алмашиб турибди.

Биз иш практикасида коммунистларни ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида жой-жойига қўйиш муваффақиятлар гарови эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Партия комитети КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми талаблари асосида коллективни янги, янада юксак марралар сари руҳлантиришга интилмоқда.

— **Шу ўринда энг яхши цех партия ташкилотларини тилга олиб ўтсангиз.**

— Бажонидил. Партия комитети асосан цех партия ташкилотларига таяниб иш олиб боргани учун ҳам улар шундоққина кўз ўнгимизда! 1-фабриканинг йигирув цехи партия ташкилотига Раиса Федоровна Запороженко етакчилик қилмоқда. Ташаббускорлик, жанговарлик руҳида иш олиб бораётган бу цех партия ташкилоти техника-иқтисодий кўрсаткичларни ой сайин яхшилаб бормоқда. Аҳил коллектив қандай янги ташаббус туғилса дарҳол қўллаб-қувватлайди. Цех партия бюроси партия группаларининг жанговарлигини оширишга муттасил ғамхўрлик қилмоқда. Бу ерда коммунист М. Турсунхўжаева сингари ўнлаб ишчилар, комбинат бўйича 620 га яқин киши беш йилликнинг уч ва тўрт йиллик топшириқларини СССР Конституцияси кунигача адо этишган эди. Н. Габдуллина ва Е. Свистунова етакчилик қилаётган калавалаш цехи ва 2-фабриканинг 1-тўқув цехи партия ташкилотлари ҳам бой иш тажрибасига эга. Бу цехларнинг коллективлари ҳамиша олдинги сафда меҳнат қилишни ўзлари учун шиор қилиб олишди. Комбинатда намуна бўлаётган бу цех партия ташкилотлари ва группалари иш тажрибаларини бошқаларга ёйишга ҳаракат қилямиз.

Уларда партия йиғилишларининг Устав талаблари асосида ўтишига, уларга пухта тайёргарлик кўришга, муҳокама этилаётган масалалар тематикасини кенгайтириш ва бошқа муҳим масалаларга катта эътибор беришяпти. Сўнгги вақтларда маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссияларининг иши анча яхшиланди.

Корхона партия комитети қошидаги ташкилий-партиявий ишлар кабинети цех партия ташкилотлари ва партия группаларига ҳар қандай масала юзасидан зарур ёрдамни кўрсатмоқда. Бу ерда комбинат партия ташкилотининг иш тажрибаси умумлаштирилган материаллар, ахборот папкалари ва справочниклар мавжуд. Ҳар ойда мунтазам равишда «Секретар куни»ни ўтказяпмиз. Бунда партия ташкилотлари секретарларининг ишлари таҳлил этилади, улар коллектив олдида турган долзарб вазифалар билан таништирадилар.

Янги йил арафасида босиб ўтилган йўлга назар ташлаш, умумлаштириш, камчиликларни аниқлаш ва бу нуқсонларга янги йилда барҳам бериш анъана бўлиб қолган. Партия комитети цех партия ташкилотларига янада конкретроқ раҳбарлик қилиш, уларга янада кўпроқ амалий ёрдам кўрсатиш тадбирларини кўрмоқда. Тўқувчиларимиз ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари бўйича беш йилликнинг тўртинчи йилида шахдам одим ташлашга, бу нинг учун мавжуд камчиликларни тузатишга бел боғлаганлар. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1978 йил) Пленуми ва XXII Тошкент шаҳар партия конференцияси қарорлари асосида янги йилнинг дастлабки кунларидаёқ ишлаб чиқариш маромини ошириш тадбирларини белгиланмоқда.

Сухбатни Ҳ. ИКРОМОВ олиб борди.

«*Ўрток ва Болға*»

иттифоққа садоқат

ЁРДАМНИ КУЧАЙТИРИБ

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг июль 1978 йил) Пленумида қилган докладида шаҳарлар, саноат марказларининг қишлоқларга кўрсатаётган оталиқ ёрдами катта роль ўйнаётганини ҳақида гапириб, Киев, Днепропетровск, Волгоград, Минск, Тошкентнинг партия ташкилотларини бу соҳада кўп ишлар қилишти», — деб алоҳида таъкидлади. Шундан ҳам Тошкент шаҳар меҳнат коллективлари партия қарорларига жавобан қишлоққа оталиқ ёрдамини тобора кучайтирмоқдалар.

Бизнинг тажриба ремонт-механика заводимиз коллективи ҳам оталиқдаги хўжаликларга ҳар тарафлама самарали ёрдам беришга ҳаракат қиляпти. Бу борада ҳозиргача амалга оширган ишларимиз нақни бўлмади. Оталиқдаги хўжаликлар — Жиззах область Пахтакор районидаги Ульянов номли совхоз. Оҳангарондаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» номли аграр — саноат комплекси коллективлари биздан жуда хурсанд бўлишяпти. Негаки, ишчиларимиз совхознинг учта дала шийпонини капитал ремонтдан сифатли чиқариб беришди. Аграр-саноат комплексига эса техника ремонти учун кўплаб асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар етказиб берилди. Бундан ташқари Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозига «оқ олтин»ни йиғиб-териб олишда ёрдам бердик.

Биз йилдан-йилга қишлоққа ёрдамни кучайтириш учун курашяпмиз. Ана шу мақсадда ҳозир заводимизда қурилиш ва реконструкция ишлари олиб бориляпти.

Заводимизда янги омбор ва янги иситиш бутхонаси бунёд этиляпти. Омбор корхона учун жуда зарур. Эндиликда мавжуд омборлар тўлиқ қилиб қолди. Йилдан-йилга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотимиз, олаётган эҳтиёт қисмларимиз кўпайиб боряпти. Бу бизнинг замонавий омбор қуришни талаб этмоқда.

Бироқ, шуни афсус билан айтиш керакки, заводни бир бинан иситиш учун бунёд этилаётган қозонхона қурилиши суст олиб бориляпти. Цехларни иситиш ва айрим меҳнат жараёнлари учун керак бўлган буғ-қозонхона биз учун жуда ҳам зарур. Аввал қозонхонанинг биносини «Главташкентстрой» нинг 3-трести бунёдкорлари нариданбери қуриб кетишди. Ҳозир эса уни «Узсельхозтехкина»нинг кўчма механизациялашган колоннаси қурувчилари бунёд этишяпти. Бу қурилишда жами 300 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган. Бироқ уч йил мобайнида бу ерда атиги 21 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилди, холос. Агар қурилиш шу даражада сусткашлик билан давом этса, бу йилги қишни ҳам қийинчилик билан ўтказишимиз турган гап. Кўчма механизациялашган колонна бу объектга асосий эътиборни қаратмоғи, кўпроқ ишчи кучи ажратмоғи лозим. Зеро, бизнинг ютуқларимиз ана шу қозонхонанинг ишлашига нечоғлик боғлиқ эканлигини унутмаслиги керак.

Коллективими з д а янгийўлликлари и н г «Сафимизда бирорта қолоқ бўлмасин» ташаббуси кенг қулоч ёйган. Ҳозир заводда бирорта қолоқ цех, участка, бригада, ишчи йўқ. Ишчиларимизнинг кўпчилиги СССР Конституциясининг бир йиллигини беш йилликнинг уч йили планини бажариш билан кутиб олди. Токарлар А. Полев, Ю. Маҳмуджонов, И. Зиков, Н. Малахов ва бошқалар шулар жумласидандир. Гидропресс цехидаги Т. Мирзаев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси ҳам ана шундай зафар кўчди. Ҳозир бу бригада келгуси йилнинг май ойи ҳисобига ишлаяпти. Деталларни қайта ишлаш цехи ҳам беш йиллик программанинг уч йиллик қисмини муддатидан илгари адо этди.

Завод меҳнат аҳлининг йилни яхши якунлаш учун мусобақани авж олдириб юборганлигини ҳамда партия қарорларига, айниқса КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларига амалий жавоб бераётганлигини яққол ҳис этиш мумкин. Айни кунларда корхонамиз ишчи ва хизматчилари қишлоққа гидропресслар, эҳтиёт қисмлар, двигателлар етказиб бериш учун социалистик мусобақани янада қизитиб юбордилар.

Н. РАҲИМОВ,
«Узсельхозтехника»нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба ремонт-механика заводи партия ташкилоти секретари.



Тошкентдаги «Ўртоқ» кондитер фабрикаси ишчилари янги — 1979 йилни муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олиш ўчун социалистик мусобақани тобора кенг қулоч ёйдирмоқдалар. Агар сиз шу кунларда бу ерда бўлсангиз корхона коллективи орасида кўплаб меҳнат илғорларини учратасиз. Бу пешқадамлар вақтдан ўзиб ишлаб бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

Шу кунларда корхона аҳли 70 хил турдаги кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Бу маҳсулотларнинг кўпчилиги эса Сифат белгиси олган.

СУРАТДА: Корхонанинг конфет цехида. Янги маҳсулотни жўнатишга ҳозирлаш пайти.

М. Нуриддинов фотоси.

Шаҳарсозлик бўйича Ўзбекистон илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти республикамизнинг энг кекса лойиҳа ташкилоти ҳисобланади. Кунимиздаги институт ўзининг ярим асрлик юбилейини ниҳоясида. Мухбиримиз институт директори А. Ғаниев билан учрашиб, коллектив босиб ўтган йўл, шу кунларда бу ерда олиб борилаётган лойиҳа-қидирув ишлари хусусида сўзлаб беришни илтимос қилди.

Бизнинг интервью

ЁРҚИН Й Ўл

— Партия ва ҳукуматимиз Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ шаҳарларимиз ва қишлоқларимизни замонавий талаб ва эҳтиёжлар асосида, илмий-техника ютуқлари негизида қурилишига катта эътибор берган, — деб гап бошлади Азиз Валиевич, — Шунинг учун ҳам биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ўша пайтдаги республикамизнинг пойтахти Самарқанд шаҳрида Ўзбек Давлат лойиҳа бюроси — «Узгоспроект»ни ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Дастлаб институтга Тошкент ва Самарқанд шаҳри учун юз минг сўмлик, бошқа қўшни республикаларга 50 минг сўмлик қурилиш ишлари лойиҳаларини тузиб бериш вазифаси топширилган эди. Бу вазифалар муваффақиятли бажарилди.

Институт янги ташкил этилган вақтларда архитектор ва инженер мутахассислигига эга бўлган кадрлар етишмас эди. Шунга қарамасдан институт коллективи ўз зиммасидаги топшириқларни шараф билан адо этиш йўлларини қидирди. Институтга мамлакатимизнинг марказий шаҳарларидан талантли меъморлар, жумладан Р. Багратов, К. Бабиевский, А. Петерин каби талантли архитекторлар таклиф қилинди. Улар маҳаллий миллат вакиллари ичидан меъмор ва инженерлар тарбиялаб вояга етказишга алоҳида эътибор беришди. 30-йилларнинг бошида Тошкент шаҳрида давлат План Комитетининг ўқув комбинати, Полторацкий кўчасида уй-жой комбинати, ёнғинга қарши кураш депоси сингари объектлар қурилди.

Дастлабки муваффақиятлар коллективни янги, масъулиятли вазифаларни бажаришга ҳам ихтисослаштирди. 1964 йилда инженерлик ҳисоб-китобларини механизациялаш мақсадида ҳисоблаш маркази қурилди. 1970 йилда «Минск-22» ва «М-222» электрон-ҳисоблаш машиналари ўрнатилди.

Институт коллективи зиммасидаги иш ҳажмининг ўсиши, уй-жойлар қурилишига эътибор кучайиши натижасида Самарқанд, Андижон, Бухоро шаҳарларида турар жой ва граждан қурилиши бўйича институтнинг филиалларини ташкил этилди.

Йиллар ўтган сари коллективимизда меҳнат қилаётган мутахассисларнинг сони, малакаси ортиб бормоқда. Пойтахтимиз ҳуснига кўрк қўшиб турган кўплаб объектларни, масалан, Санъат саройи, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг маъмурий биноси, «Ешлар уйи» сингари йирик иншоотлар лойиҳаси ишлаб чиқилди. Зилзиладан сўнг бунёд этилган Чилонзор, Қўйлиқ, шаҳар марказидаги «Украина» турар жой массивлари лойиҳаларини ҳам бизнинг институтимиз коллективи яратган.

Архитекторларнинг ижодида фан, техника ва санъат ютуқлари ўз аксини топиши, лойиҳалар илмий жиҳатдан асосланган бўлиши керак. Шу сабабли 1972 йилнинг январь ойидан бошлаб Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига кўра, коллективимиз шаҳарсозлик бўйича Ўзбекистон илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтига айлантирилди. Эндиликда институт ўзининг лойиҳа илмий-тадқиқот ишлари бўлимига ҳам эга. Бўлим республикамизда қурилиши ёки қайта қурилиши лозим бўлган маъмурий, маданий-маиший иншоотлар, маданий ёдгорликлар каби объектларни тез фурсатда илмий жиҳатдан асослаб беради.

Ҳозирга келиб, институтимиз ҳар йили 700 га яқин иморатларнинг лойиҳасини яратяпти. Бу йил, 4,9 миллион сўмлик лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Кейинги йилларда коллективиз ўн олти қаватли Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг редакция-нашриётлар корпуси, «Самарқанд» мемориал чойхонаси, Тошкент область ва Тошкент шаҳар партия комитетларининг маъмурий бинои, саккиз миллион том китоб фондига эга бўладиган А. Навоий номли Ўзбекистон халқ кутубхонасининг янги бинои сингари йирик иншоотларнинг лойиҳаларини яратди. Бундан ташқари Байкал-Амур магистрали трассалари ўтадиган жойларда қурилаётган шаҳар лойиҳаларини тузишда ҳам иштирок этдик.

Институтимизда архитектура бўйича СССР Давлат мукофотлари, Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреатлари А. Зотов, С. Рихсиев, Т. Калиновская сингари кекса архитекторлар ва кейинги авлодга мансуб бўлган В. Березин, С. Сутягин, Р. Блэзе, Р. Шарипов каби кўплаб талантли меъморлар ижодий изланишлар олиб боришмоқда.

Коллективимиз ўзининг эллик йиллик юбилейини КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг сўнгги пленумлари қарорларини оғишмай ҳаётга тадбиқ этиш, шаҳарсозлик фанининг ривожига катта ҳисса қўшадиган қатор ноёб иншоотлар лойиҳаларини яратиш билан кутиб олди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ВАЪДАГА ВАФО

БУДАПЕШТ. Венгрия шахтёрлари ҳар бир смена олдидан бир-бирларига табассум билан «Омадингиз келсин» деб айтишади. Республика ер ости бойликларининг хўжайинлари учун бу йил ҳақиқатан ҳам омадли йил бўлди. Кўмир саноатининг кўпгина коллективлари мана шу декабрь кунларида беш йилликнинг келгуси, тўртинчи йили ҳисобига ишламоқдалар. Мечек кўмир ҳавзасидаги Вашаш карьерининг шахтёрлари мамлакатга 347 минг тонна юқори сифатли кўмир бериб план топшириқларини муддатидан бир ой илгари бажардилар. Орослани шахтёрларининг машҳур коллективи ҳам 2 миллион 290 минг тонна кўмир чиқариб, йиллик топшириқни муваффақиятли бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Улар йил охиригача пландан ташқари яна 160 минг тонна кўмир қазиб чиқариш мажбуриятини қабул қилдилар.

ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛ

БЕРЛИН. ГДР кемасозлик саноати халқ хорхоналари бирлашмасининг бош директори А. Райн Хардт ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: социалистик иқтисодий интеграция туфайли бизнинг тармоқ йилдан йилга барқарор ва бир меъёрда ўсмоқда. Бу эса кемасозларнинг халқаро меҳнат тақсимотига тобора салмоқли ҳисса қўшишига имкон бермоқда.

Бу йил ГДРда қурилган кемаларнинг умумий ҳажми 1949 йилдаги худди шундай кўрсаткичларга нисбатан ўттиз баравдан ошди. Ҳозирги вақтда республикада қурилаётган кемалар ўзининг сифати жиҳатидан илгаригиларига қараганда анча пишиқ. Бунга ГДР ўзининг социалистик иқтисодий интеграциядаги шериклари билан, аввало Совет Иттифоқи билан мустаҳкам ҳамкорлик қилганлиги натижасида эришилди. Тармоқдаги барча экспорт буюртмаларининг қарийб 60 проценти Совет Иттифоқининг буюртмаларидир.

ЯНГИ ГИГАНТ ҚУРИЛИШИ

ХАНОЙ. Ҳозирги вақтда Социалистик Вьетнамни янги гигант қурилишлар ўлкаси деб айтишади. Ажнабийлар агрессиясининг узоқ йиллар давом этиши Вьетнамнинг аҳоли пунктларига жуда катта шикаст етказди. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда қурилиш ишлари мисли кўрилмаган миқёсда олиб борилмоқда.

Бинокорлик материаллари саноати тез ривожланаётган экономиканинг талаб-эҳтиёжларини қондиришда муҳим роль ўйнамоқда. Шунинг учун ҳам тармоқ ишчилари зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Бу йили томга ёпиладиган материаллар ва ғишт рекорд миқдорида, яъни қарийб уч ярим миллиард дона чиқарилди.

Цемент ишлаб чиқариш ҳам анча ўсди. 1980 йилнинг бошларида Вьетнам беш йиллик планининг энг йирик объектларидан бири — Бим-Шондаги цемент заводи ишга туширилиши билан мамлакатнинг цементга бўлган талаб-эҳтиёжи асосан таъминланади.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ГАВАНА. Куба тўқимачилик саноатининг энг йирик корхоналаридан бири бўлган «Раигуанабо» фабрикасининг коллективи йиллик топшириқни муддатидан олдин бажарди. Тўқимачилар мамлакатга қарийб 50 миллион квадрат метр газлама ва салкам 8 минг тонна калава етказиб бердилар. Бу — корхона меҳнатчилари кейинги 12 йил мобайнида эришган энг юқори кўрсаткичдир.

«Раигуанабо» фабрикасининг коллективи яқинлашиб қолган байрам — Куба революциясининг 20 йиллиги шарафига ўз зиммасига оширилган социалистик мажбурият қабул қилди.

ДАВЛАТ СЕКТОРИ — ТАРАҚҚИЁТ НЕГИЗИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон экономикасида давлат секторини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга илгаригидек катта эътибор берилади, мамлакатни 1978-1983 йилларда иқтисодий ривожлантириш олтинчи беш йиллик планининг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан давлат секторига боғлиқдир, деди молия министри Х. М. Патель Калькуттада «Ҳиндистоннинг валюта — молиявий сиёсати» мавзуида очилган семинарда. Оммавий ишсизликни, аҳолининг қашшоқ табақалари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий қолоқликни тугатишда, халқнинг турмуш даражасини оширишда давлат сектори корхоналари асосий роль ўйнайди, деб таъкидлади министр.


Ҳозирги вақтда Ҳиндистонда жами капитали 110 миллиард рупиядан иборат давлат секторининг 300-га яқин корхонаси бор. Ҳиндистоннинг мустақиллик йилларида эришган иқтисодий муваффақиятлари биринчи навбатда давлат корхоналари сонининг кўпайганлиги натижасидир. Нефть ва газ қазиб чиқаришда, самолётсозликда, электрон асбоб-ускуналар, станоклар ишлаб чиқаришда юксак чўққилар ҳозирги вақтда давлат корхоналари қўлидадир.

Давлат сектори корхоналарининг савдо оборотн ўтган беш йил мобайнида икки ярим баравар ошди.

Совет Иттифоқи ёрдами билан қурилган оғир саноат корхоналари давлат секторининг ўзагини ташкил қилади.

НАРХ-НАВО ОШМОҚДА

ОТТАВА. Канада статистика бюросининг маълумотига кўра, шу йил ноябрь ойида Канадада нарх-наво 0,8 процент кўтарилган. Сабзавот, мева, кийим-кечак, шунингдек хизмат кўрсатишнинг баъзи турлари қамматлашган.



ПАНАМА РЕСПУБЛИКАСИ. 1903 йили мустақилликка эришган мамлакатнинг тарихи унинг территориясидан ўтувчи Атлантика ва Тинч океанлари оралиғидаги машҳур каналга панамаликлар ҳуқуқини тиклаш учун кураш билан узвий боғлиқдир.

«Канал — панамаликларга!» — Панама халқининг иродасини ифода этувчи ушбу талаб бир неча ўн йиллардан бери тинмай жаранглаб эшитилмоқда.

СУРАТДА: Панама канали. Унинг трассаси манзарали жойлар бўйлаб ўтади.

С. Сичев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

АҲОЛИ РЎЙХАТГА ОЛИНМОҚДА

УЛАН-БАТОР. МХРда аҳоли 1979 йил 5—10 январда рўйхатга олинади. МХР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси шу ҳақда хабар берди.

Аҳоли рўйхати мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим воқеа бўлади. Аҳоли рўйхатининг натижалари халқ хўжалигини ривожлантиришнинг, мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини мақбул тарзда жойлаштиришнинг илмий асосланган планларини ишлаб чиқиш учун дастур бўлиб хизмат қилади. Монголияда аҳоли рўйхати охирги марта 1969 йил сентябрь ойида ўтказилган эди.

НОМИГА НОМУНОСИБ

Акмал Икромов районидаги биз истиқомат қилаётган Маҳорат кўчаси кейинги пайтда номига номуносиб, файзсиз қиёфага келиб қолди. Кўчанинг 20-озиқ-овқат магазини ва 16-болалар поликлиникасининг филиали оралиғидаги қисми узоқ вақт мобайнида ёғин-сочин сувлари кўллайдиган жойга айланиб ётган эди. Бу ерни тузатиб асфальтлаш эса район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари эътиборидан четда қолиб келди.

Энг ёмони шундаки, ҳозирги пайтда сув кўллайдиган бу ер тунда ҳар хил чиқинди ва ахлатлар тўкиладиган жойга айланиб қолди. «Автодормехбаза» машиналари ўз вақтида келмаслиги сабабли «Журжоний», Акмал Икромов, «Янгиобод» маҳаллаларининг аҳолиси бу ерга ортиқча чиқиндиларни тўкишяпти. Аслида чиқинди тўкиш бир бошлаб берилса бас. Эртасига қарабсизки, бирданига катта тепалик ҳосил бўлади қўяди. Бизнинг кўчада ҳам шундай бўлди. Натижада ёш болалар ва кексалар бу кўчадан ўтолмайдиган бўлиб қолишди. Ҳатто магазинга озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келадиган машиналар ҳам дарахтларни синдириб сунъий тепаликни айланиб ўтадиган бўлишди.

Хўш, бу аҳвол қачонгача давом этади? Наҳотки, Акмал Икромов район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарларининг кўчани ободонлаштиришга қурби етмаса.

Қ. ҚОСИМОВ.

◆ РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

2 ТОШКЕНТ бет. оқшоми

28 ДЕКАБРЬ, 1978 й.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Г. ИСМОИЛОВА: Мен дори тайёрлаш касбига жуда қизиқаман. Айтингчи, шу касбни ўргатадиган билим юрти борми?

Жавоб: Сиз истаган бундай техника билим юрти Охунбобоев номли билим юрти ҳисобланиб, бу ерга ўрта ва тўлиқсиз маълумотдаги йигит-қизлар қабул қилинади. Билим юртига 2, 7-троллейбус ва 10-трамвайларда борилиб, Ипчилар шаҳарчасида тушилади.

М. ОТАБОЕВА, О. ЖАЛОЛОВА, М. ҲАЙДАРОВА, М. ПЎЛАТОВА ва бошқалар: Шаҳримизда бичиш-тикиш сирларини ўргатадиган бирорта тўгарак борми? Мумкин бўлса шу ҳақда тўлиқ маълумот берсангиз.

Жавоб: Шаҳардаги ҳар бир район қошида ташкил этилган маданият уйида бичиш-тикиш тўгараклари мавжуд. Бу ерга кириб касб ўрганувчилар олти ой ўқишлари учун ҳақ тўлашлари керак. Ана шундай тўгараклардан бири Ҳамза кўчаси, 8-уйга. «Халқ театри» биносига жойлашган. Бу ердаги малакали ўқитувчилар ўқувчиларга бичиш-тикиш сирларини ўргатишади.

Р. ШОМУРОДОВ: Холодильнигимиз бузилиб қолди. Шуни ремонт қилдирмоқчи эдим. Кимга учрашишим керак?

Жавоб: «Ўзбекфильм» киностудияси яқинидаги Байналминал кўчасида холодильникларни тузатиб берадиган йирик «Север» устахонаси жойлашган. У ерга 7-троллейбусда боришингиз мумкин. Бундан ташқари шаҳримиздаги йирик магазинлар қошида бузилган холодильникларни тузатиб бериш учун буюртмалар қабул қилинади.

В. УМИРОВ: «СКИФ» велосипедининг эҳтиёт қисмларини қайси магазиндан харид қилиш мумкин.

Жавоб: Бунинг учун Муқимий кўчасидаги спорт буюмлари билан савдо қиладиган магазинга, шунингдек Усмон Юсупов кўчасига жойлашган «Динамо» магазинига мурожаат қилинг.

М. ЙЎЛДОШЕВА: Мен болам учун ёғочдан ишланган кичкинтойлар каравотини олмоқчи эдим. Шуни шаҳримиздаги қайси магазинлардан харид қилса бўлади?

Жавоб: Бундай каравотлар «Ташхозкультторг»нинг ҳар хил мебеллар билан савдо қиладиган магазинларида бўлади. Бундай магазинлар Чилонзорнинг Оқтепа майдонида, Фурқат кўчасида ва Навоий кўчасида жойлашган.

Б. ЧОРИЕВ ва СИЙЁВТДИН О В А: Яқинда харид қилган портфель ва дипломат папкамиз бузилиб қолди. Шуни қаерда тузатиб бершади?

Жавоб: Бунинг учун шаҳримиздаги ҳар бир йирик бозорлар қошида ташкил этилган устахоналарга мурожаат қилинг. Шунингдек, Ленин проспектига жойлашган маиший хизмат кўрсатиш шаҳарчасида ҳам портфель ва дипломат папкаларни тузатиб берадиган устахона мавжуд.

У. ОМОНОВ: Мен аслида 1930 йилда туғилганман. Лекин бе парволик туфайли барча ҳужжатларимда туғилган йилим 1933 йил бўлиб қолган. Шу ноаниқликни тўғрилаш учун нима қилишим ва қайси ташкилотга учрашишим керак?

Жавоб: СССР граждани-ларининг исми, фамилияси ва отасининг исмини ўзгартириш ҳақидаги тартибга мувофиқ Сиз ҳужжатларингиздаги ноаниқликни тўғрилаш учун ўзингиз яшаб турган халқ депутатлари район Совети ижроия комитети ҳузуридаги ЗАГС бўлимига мурожаат қилишингиз керак. Бу ердаги махсус комиссия Сизнинг туғилган йилингизни тўғрилаш ҳақида хулоса чиқариб беради. Ана шу хулоса асосида Сиз туғилганлигингиз ҳақидаги гувоҳномангини ўзгартирасиз. Гувоҳнома асосида бошқа ҳужжатларингизни ҳам тўғрилайсиз.

ЙЎҚ, БЎЛМАЙДИ!

Азиз болаларим, бу галги суҳбатимизда ярамас одатлардан иккитаси ҳақида сизларга ҳикоя айтиб бераман. Аввал таклиф қилинган ярамас ишни «йўқ, бўлмайди!» деб қабул қилмаслик кераклиги ҳақидаги ҳикояни диққат қилиб эшитинг.

ҲИКОЯТ: — Султон исмли бола ўз ўртоғи Юсуфжонга:

— Юсуфжон, Али аканинг боғидаги ёнғоқларни кўрдингми? Қандай яхши, ширин ёнғоқлар! Юр, шу ёнғоқлардан чўнтагимизни тўлдириб олайлик, — деди. Юсуфжон унга:

— Йўқ, бўлмайди, деб жавоб берди.

— Нега, сен ёнғоқни севмайсанми? Мен биламан, сен ёнғоқни севасан, нима учун бўлмайди, дейсан?

— У ёнғоқлар Али аканинг ёнғоқлари, эгасидан сўрамасдан олиш яхши эмас, шунинг учун сўзингни қабул этмайман.

— Ўртоқ, йўқ, дема, бизни ҳеч ким кўрмайди. Мен дарахтга чиқиб ёнғоқ қоқаман, сен териб олаверасан, кел, йўқ дема.

— Йўқ дедим-ку, бўлмайди.

— Бугун сенга нима бўлди? Фақат «Йўқ, бўлмайди» деган сўзни қайтариб турасан, бунинг сабабини сўзла.

— Сабабини сўзладим-ку, ёнғоқлар бизники эмас, ўғирликни қабул қилмайман.

— Ўғирлик дейсанми? Қизиқ бола экансан. Ҳеч ким кўрмагандан кейин ўғирлиги нима?

— Ҳеч ким кўрмаса кўрмасин, лекин виждонимиз кўриб туради, у бизни ёмон ишлардан қайтаради, шунинг учун сенинг таклифингни қабул қилмай «йўқ» дейман.

Севимли ўғилларим, доимо ёмон ишлардан сақланинг, биров сизни ёмонлик қилишга таклиф қилса, Юсуфжон деганидек «йўқ, бўлмайди» деб жавоб беринг.

ҲИЙЛАКОР ЧЎПОН

Болаларим, энди иккинчи ҳикоямга диққат қилинг.

ҲИКОЯТ: — Бир чўпоннинг тоғда анча қўй, эчкилари бор эди. Ҳийлакор чўпон қўй, эчкиларини соғдириб, сутларига сув қўштириб соттирарди. Бир кун жуда зўр сел келиб, ҳамма қўй, эчкиларини оқизиб, тоғдан пастга иргитиб ҳалок этди. Чўпон жуда ҳам қайғуланди. Ишнинг нима эканидан хабари бўлган ақлли бир одам:

— Мана, қилиб турган ярамас ишингнинг жазосини кўрдинг. Доимо сутга қўшган сувларинг бўлмайди» деб жавоб беринг.

1. Одам савдо-сотиқда ва бошқа ишларида тўғриликдан сира ҳам ажралмаслиги керак. Эгрилик йўлида юрган одам сира ҳам яхшилик юзини кўрмайди.

2. Ҳийлакор одам ҳар кимни доим алдай олмайди, бир кун мас-бир кун ҳийласи юзага чиқади, ҳийлакорга ҳамма лаънат ўқийди.

3. Ҳийлакор одам ҳамма қилган ёмонликларининг жазосини тортади.

Болаларим, ўғирлик, ҳийлакорликнинг энг ярамас ишлардан эканини англадингиз. Ёмон, ярамас йўлларидан ҳазар қилинг, одобли, тарбияли бўлинг. Кейинги ҳафтада яна суҳбатимизни давом эттирамиз. Хайр, жондан азиз севимли болаларим, омон бўлинг!

Ш. ЗУННУН
тайёрлаган.

ФАРЗАНДЛАРГА НАСИҲАТЛАР

(ОЛИМЛАРДАН МУҲАММАД ОСИМНИНГ «ЁШЛАР БИЛАН СУҲБАТЛАР» НОМЛИ АСАРИДАН)

ФАРЗАНД тарбияси анча мураккаб иш. Баъзи ота-оналар болаларининг қуйи синфларда яхши ўқиганликларини, ниҳоятда тартибли, қобил бўлганликларини айтиб, бешинчи-олтинчи синфга ўтгандан кейин уларда анча ўзгаришлар пайдо бўлганлиги, ишга қовушмайдиган бўлиб қолганликларидан нолийдилар. Хўш, ўспирин «табиати» нима? Уни «тан олиш» деганда нима тушунилади?

Ота-оналар таъбири билан айтганда, нима учун қобил болалари бирдан «айниб» қолишади? Маълумки, бу даврда бола организмида мураккаб физиологик ва руҳий ўзгаришлар рўй беради. Шунингдек, асаб системасига эндокрин без гармонлари таъсирининг кучайиши туфайли, болаларнинг бошқа мия пўстлоғида қўзғалиш ва тормозланиш процессларининг мувозанати бузилади. Бу эса кайфиятнинг тез ўзгаришини, гоҳ иш қобилиятининг кутилмаган даражада кўтарилишини, гоҳ унинг сусайишини вужудга келтиради. Ўспирин бўлғастига қараб, энди катта бўлдим, катталарга ўхшаб иш тутишим керак», — деб ҳисоблайди. Бу ҳусусият ўсмирнинг ҳулқ-атворида, фикр ва ҳаракатида яққол намоён бўлади. Ўспиринлик даври балоғатга етиш даври ҳамдир. Бу давр уларда тундлик, асабийланиш, ҳулқ-атворда бекарорлик пайдо бўлади.

Ҳар бир ота-она, умумий ўспирин тарбияси билан боғлиқ бўлган кишилар боланинг катта бўлиб қолганини тан олишлари, иложи борича у билан юмшоқ ва жиддий муомалада бўлишга ҳаракат қилишлари, айрим масалаларда уларнинг фикрини билишга қизиқишлари, гапларини эътибор билан эшитишлари керак. Ўрни келганда катта-кичик ўртасида ўспирининг мақтаб қўйиш катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Кўнгли кўтарилган ўспирин ўзини яхши тутишга, ёмон одатларни ташлашга интилади. Энди улар катталарнинг ўзлари билан ҳисоблашишларини, ёш болага қилгандек муомала қилмасликларини жуда хоҳлайдилар, агар уларни бола ҳисоблаб, бошларини силаб эркалатишса, улар қаттиқ ранжийдилар.

Ўспирин ўзи «катта» бўлганидан ҳар бир ишда мустақил бўлишга интилади. Кўп нарсаларни ўз билгисича қилишга уринади, ўспиринларидаги бу нозик ҳисни тушунмаган айрим ота-оналар ва катталар унинг бу ҳатти-ҳаракатини ёмонликка йўядилар, уни ўзбошимчаликда, одобсизликда айблайдилар. Дилига озор етгандан кейин, ўспирин аламзада бўлиб қайсарлик, қўполлик қила бошлайди. Ўспириннинг ўз бийлиги билан қилган баъзи бир ишлари ота-онага, катталарга ёқмаслиги мумкин, аммо бу норозиликни асло бақириш-чақириш билан изҳор этиш ярамайди. Бунинг тўғри йўли аввало унинг яхши ташаббусини маъқуллаш ва йўл-йўлакай унинг эътиборини хатосига қаратиб бирор иш қилишдан олдин ўйлаш, катталар билан маслаҳатлашиш, шошма-шошарликка йўл қўймаслик муҳимлигини оқиста тушунтириб қўйишдир. Афсуски, баъзи ота-оналар, шунингдек айрим педагог-тарбиячилар болаларнинг бўйи етиб, ўз орзу-умидлари билан яшаётганликларини сезмай қоладилар. Уларнинг мактабдаги ўқишлари билан қизиқадилари, ҳулқ-атвори, одамлар билан муносабати, ўй-фикрлари билан ишлари бўлмайди.

Ўқитувчи ҳурматга лойиқ мўътабар киши, хўш шундай бўла туриб:

Нега болалар ўқитувчини беҳурмат қиладилар?

— Ўқитувчи қандай ҳолларда болалар олдида ҳурматини йўқотиб қўяди?

— Ўқитувчи фаолияти, маҳоратининг сир-асрорлари нимада?

— Педагоглик тактик-одоби қандай бўлиши керак?

Ана шу «нега»лар қанча одамларнинг тинчлигини бузмаган, дейсиз. Халқимиз ўқитувчи, муаллим, тарбиячи деган сўзларни самимий ҳурмат, мамнуният ва миннатдорчилик билан тилга олади. Чунки, одам ақлини танигандан бошлаб боқ ёши улуғ кишилардан, тажрибали педагоглардан тарбия, таҳсил ва одоб ўрганади. Ўқитувчилик касби дастлаб шунинг учун шарафлики, унга жамиятнинг келажаги, инсоннинг нури-дийдаси — фарзандининг истиқболи қўлига ишониб топширилади.

Ўқитувчининг обрўси таълим-тарбия воситаси эканлигидадир. «Обрў» сўзи лотинча—таъсир куч демакдир. Тарбиялашувчиларнинг кўз олдида иззат-ҳурматга сазовор бўлган тарбиячи обрўли ўқитувчи ҳисобланади. Ўқитувчи ўз обрўйи туфайли болаларга кучли таъсир кўрсатади. Болалар ўзлари севган ўқитувчиларининг обрўсини идеаллаштиришга, унинг иззат-ҳурматини оширишга айниқса моил бўладилар.

Ўқитувчининг обрўли бўлишига фақат чуқур билимга эгалиги кифоя қилмайди. У болаларни ҳурмат қилиши, севиши, уларга ишониши, ростгўй, камтар бўлиши, улар билан тез тил топа билиши лозим. Ўқитувчи мактаб раҳбари ва бошқалар билан муомаласида педагоглик одобини сақлаши лозим. Каттаконлик, кибр-ҳаво, манманлик, лаганбардорлик қилмаса ёки ўринсиз итоатгўйлик қилмаса, унинг ўқувчилар кўз олдида обрўси ортади. Обрўли ўқитувчининг «тарбияси қийин» бўлган ўқувчиларга тарбиявий таъсири кучлироқ бўлади ва ишнинг самараси ҳам юқори бўлади.

Педагогик одоб ўқитувчининг болалар билан тўғри муносабатда бўла билиш, ғамхўрлик қилиш, жонкуярлик, хушмуомалалик, ўқувчилар билан муносабатда зарур ишончли оҳанг топиш, улар олдига оқилона талаблар қўйиш, болаларда инсон қадр-қимматини ҳурматлаш демакдир. Педагоглик одобига эга бўлган муаллим ўқувчининг ортиқ даражада ҳаракатчанлиги ва шўхлигидан газабланмайди, чунки бу боланинг табиий хусусияти эканини яхши билади.

Болалар олдида обрў қозониш учун синфини, яъни болалар характерини, хусусиятларини яхши ўрганиш керак. Кимки буни тез бажара олса, ўқувчилар ҳурматини ҳам тез қозонади. Диққат, кузатувчанлик, вазмин бўлиш каби сифатлар ўқитувчидаги муҳим педагоглик (сифат) одобининг муҳим шартларида намоён бўлиб, ўқувчиларда характерларнинг ижобий белгиларини тарбиялашга ёрдам беради. Мисол учун болалардаги хушмуомалалик ҳақидаги масалани олайлик. Орамизда шундай педагоглар ҳам борки, улар болалар билан бўлган муносабатда педагоглик одобига зид хатти-ҳаракатда бўладилар. Болаларга нисбатан ҳурматсизлик қилиб, уларнинг ёш қалбига тошдек ботишади.

Ҳаётий бир мисол: Дарс бошланди. Ўтилган тема юзасидан савол-жавоб давом этади. Синфда шовқин. Бунинг устига болалар дарс таййорлашмаган. Жаҳли чиққан ўқитувчи аламини болалардан олмоқчи бўлади.

—Карим, сен гапириб берчи, ўтиришингдан худди дарсни «қойилмақом» қилиб юборгандек ўхшайсан, —деди у киноялн оҳангда. Синфда кулги бошланди. Вазиятдан ўзини йўқотган Карим довдираб бошлайди. Синфда яна кулги...

Ғазаби ошган ўқитувчи яна заҳархандалик билан:

—Мияни ишлатиш керак,—деди унга бармоғини бигиз қилиб.— Бу аҳволда кетаверсанг чоракда баҳоинг «икки» бўлиши турган гап...

Каримнинг қулоғига энди ҳеч нарса кирмас, фақат тез-тез учиб турган юз-кўзларида (ўқитувчига нисбатан) ғазабдан ёнаётган бўлса, тинчитади. Бундай педагог ўқувчилар билимига ҳамиша тўғри баҳо қўяди, унинг ёқтирган ва ёқтирмаган боласи бўлмайди. Педагогнинг бундай ҳаракатидан кейин болаларда дарсга қизиқиш, синфда интизом яхшиланиб бориши билан ўқувчиларда яхши ижобий одоб-ахлоқ хислатлари пайдо бўла бошлайди.

Ўқитувчининг педагоглик такти ва одобини бузиш ўқитувчи билан болалар орасида ишонч ҳамда самимийлик муносабатларининг йўқолишига олиб келади. Тарбия практикасида ўқувчиларга таъсир этишда истак билдириш, илтимос, маслаҳат, ишонтириш, талаб қилиш, танбеҳ бериш, жазолаш ва рағбатлантириш каби қатор методлардан фойдаланиб, ўқувчининг тарбиявий иш самарадорлигини оширмоқдалар. Бу таъсир этиш формаларидан педагогик вазиятга мувофиқ, аммо зарур шароитда, меъёр ҳисси риоя қилган ҳолда исталганини ўқувчиларга қўллаш мумкин. Меъёр ҳисси дарсда ва синфда болалар билан бўладиган муносабатларда ўқитувчига зарур йўл топиш учун ёрдам беради.

Ўқитувчига беҳурматлик—ёмон тарбия оқибатидир. Бунда баъзан ота-онанинг ҳам айби бўлади. Масалан, айтайлик, ота-она назоратидан четда қолган бола кўпинча хоҳлаган ишини қилади. Истаганда дарс тайёрлайди, истамаганда йўқ. Ота-она тергаб қолганда ёлғон гапиради, айбини яширмоқчи бўлади. «...гўё ўқитувчи уни ёқтирмайди. Билса ҳам, билмаса ҳам бари бир «2» қўяверади, Шундай ҳолатларда айрим ота-оналар бола тўғри гапиряптими ёки нотўғри гапиряптими, бу ёғи билан ишлари бўлмайди. Бола олдида ўқитувчи шаънига ёмон гаплар қилишиб, унинг обрўйига путур етказишади. Ҳатто мактабга ҳам бориб ўқитувчи ҳузурида болани ноҳақ «қимоя»га олишиб, тузатиб бўлмас хатоларга йўл қўйишади.

Ота-оналарга ўринли маслаҳатимиз: аввало, бола билан суҳбатлашаётганда ўта синчков бўлинг. Кези келганда боланинг ёлғонини усталик билан фош қилинг, шунда у ёлғон сўзлаганидан ўзи изза бўлсин. Айбига иқрор бўлганда гуноҳидан кечинг. Тўғри сўзлаш, ҳақ йўлни танлаш—мард кишининг иши эканига иқрор қилинг. Ҳатто сизнинг фикрингизча ўқитувчи нотўғри, яхшими бу ҳақда бола билмагани яхши. Ўқитувчини ҳоли уриатиб, унга ноҳақлигини ётиғи билан тушунтиринг. Бунда сиз олижаноб иш қилган бўласиз.

Бола тарбиясининг ўзига хос нозик қонуниятлари бор. Тарбия қонуниятларининг бузилиши ёмон оқибатларга олиб келади. Буни ҳар бир ота-она, ўқитувчи, умуман бутун жамоатчилик тушуниши, билиши ва тан олиши лозим. Ҳар бир воқеа с бабсиз содир бўлмайди. Боланинг ёмон хулқ-атворида ҳам ота-она ёки мактаб йўл қўйган қандайдир хато йўқмикан,—деган муложазага бориш фойдадан ҳоли бўлмасди.

Болани ўз майлига қўйиш, тергамаслик ота-она ташвишига ташвиш қўшади. Бола деганни тергаб турмасанг қайси кўчаларга кириб, нималарни ихтиёр қилмайди дейсиз. Бугунги бепарволик эртанги ташвиш.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган хулоса шундай: болага доим кўз-қулоқ бўлиб туриш керак, уни ҳамиша бирор фойдали иш билан шуғулланишга ўргатган, одатлантирган ота-оналар тўғри қиладилар. Болада яхши хулқ-атвор тарбиялашнинг муҳим омили — уни маълум кун тартиби, оқилона режимига ўргатиш эканлигини унутмаслик зарур.

Ойшахон ТЎРАЕВА,
педагогика фанлари кандидати, доцент.

ОИЛА даврасида суҳбатлар



ҚОЗОҒИСТОН ССР. Ҳар йили август ойида республиканинг турли шаҳарлари ва қишлоқларидан Куляш Бойстентова номидаги республика ўрта махсус музика мактабига истеъдодли ёшлар қабул қилинади. Музика мактаби ўз ютуқлари билан фахрланса арзийди. Ушбу мактабни битирган Оймон Мусахўжаева Белградда ўтган скрипкачилар халқаро конкурсининг дипломига сазовор бўлди.

СУРАТДА: бўлажак музиқачилар.
ТАСС фотохроникаси.

Педагог ўйлари

ДИЛБАНДИНГИЗ ВОЯГА ЕТГАНДА

АННА БУВИ УЧУН ҚАДАҲ

Анна Григорьевна Гуменная Калуга облластидаги Бутовка қишлоғида истиқомат қилади. У 110 ёшга тўлган бўлса ҳам, лекин тинмай меҳнат қиляпти.

Анна Григорьевналарнинг колхозга кирганига олтмиш йилдан кўпроқ вақт бўлди. У колхозга кирган дастлабки кунларданоқ зарбдорларча меҳнат қилди. Улуғ Ватан уруши йиллари вақтида Анна саксон ёшга яқинлашиб қолган эди. У оғир дала ишларини нормадан икки-уч баравар ошириб бажарарди. Анна ўзи учун ҳамда Ватанни немис-фашист босқинчиларидан ҳимоя қилишга жўнаб кетган ўғиллари учун меҳнат қилди. Унинг икки ўғли жангда ҳалок бўлди, тўрт ўғли эса жанговар медаллар билан уйга қайтиб келишди.

Ҳозир Гуменнаянинг невара, эвара, чевараларини — бувиларидек меҳнатсевар кишиларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг турли участкаларида учратиш мумкин. Анна Григорьевна нафсиз ўтиролмайди, ҳозир у кўпинча уй юмушлари билан банд.

Анна Григорьевна биринчи январь куни қариндошлари ва ёрдўстлари даврасида икки байрамни — янги йил ва ўзининг 110 ёшга кирганлигини нишонламоқчи. Қадрдон қишлоғи Бутовкадаги ҳар бир хонадонда Анна буви учун қадаҳ кўтаришади.

М. ГОЛАЧЕВ,
ТАСС мухбири
Калуга.

☆ АЁЛЛАР, СИЗЛАР УЧУН

АТИР ДОҒИНИ КЕТКАЗИШ

Кийимга теккан атир ва одеколон доғини қандай кетказиш мумкин? Бунинг учун ипакли ва жун либосдаги атир ёки одеколондан қолган доғ устига спирт ёки тоза глицирин суртилади. Шундан кейин олтингугурт эфирига намланган латта билан артилади. Оқ кийимлардаги атир ва одеколон доғи нашатир спирти билан тозаланиб, гидросульфат эритмаси билан артилади. (Бир стакан сувга 4 грамм гидросульфат миқдорида). Орадан 2—3 минут ўтказиб, шавел кислотаси билан артилади. (Бунда бир стакан сувга 5 грамм миқдорида олинади.)

(ДАВОМИ. Бошн газетанинг ўтган сонларида).

Т. ҚАИПБЕРГЕНОВ.

ГУМРОҲЛАР

Романдан боблар

— Ундай бўлса балиғингни ўзинг тушириб, анови ўтиннинг устига ташла. Тўрнинг ўримини бузмай, ёнига қўйиб кетавер.

Тўр масаласида тўртови ҳам ўйланиб, қандай эгалик қилишнинг ҳисобини топмай, бир-бирларидан қизғанишиб туришган эди, балиқчи ўриснинг қораси кўздан ғойиб бўлиши билан, ҳаммалари бир-бирларини еб қўйгундай бўлиб, ёв қараш қилишди. Соибназар шерикларининг нияти бузилганини сезиб, олдини олди.

— Йигитлар, тўр ўзимизга қолақолсин.

— Соибназар, бундай қилсангиз сиз учун гуноҳ бўлади, — деди Мовлон сариқ яна юраги торлик қилиб. — Сабаби сиз улуғ одамсиз, бийсиз. Биз эса шундай ҳам гуноҳга ботиб ётган одаммиз. Гуноҳни гуноҳи кўп одамга ортаверинг.

Шўнғқи уларнинг гапларига қулоқ солмай, уюлиб ётган жинғилнинг устига чиқаётган киши бўлиб, ўроғлик тўрни ўзи билан бирга юқорига судради.

— Ҳой, йиртиб юборасан, — деди Мамит.

— Ўрислар бир иш қилса, жуда пухта қилади.

Мовлон сариқ чидай олмай унинг кетидан етиб бориб, тўрнинг бир учидан ушлаб ўзига тортди.

— Ёмонларга яхшилик қилиш қумга дон сепгандай гап экан-да, а? деди у чиниб. — Шу ақлни топиб, хонга пул тўплаб олиб бориш керак деган ким? Мен! Мен бўлмаганимда бу қаёқдан келарди? Ҳали Эрназар олакўз бу ишни мен бошлаганимни билмай қолса ҳам ажаб эмас.

— Юртнинг ичида биринчи бўлиб икки тилла берган ким? менми? — деди Шўнғқи.

— Оталарингнинг падарига минг лаънат! — деди Мамит.

— Ҳароми итлар! — деди-да, Соибназар Мамитнинг этагидан тортиб, ичкарига кириб кетди.

Мовлон Шўнғқининг тирсагига туртди.

— Манглайи қора, тўрга елимдай ёпишгунча, елкангдаги муштдай бошингни ишлат. Бийларнинг шумлигини кўрдингми? Иккаласини ҳам бир шарманда қилмаймани?

— Шунақа иш қўлингдан келадими?

— Аччиғим чиқса, бутун қорақалпоқни сувга ботираман, оловда куйдираман. Афсуски, амални ёқтирмайман-да. Бироқ оғайниларим шум, дўк-сиёсат қилиб туриш учунок менга амал керак. Сен қўлдовлининг бийи бўлиш учун кўйлакда туғилган йигитсан. Аттанг, манави Мамитга ўхшаган амалпараст шумлардан худо асрасин! — деб Мовлон сариқ бир ютиниб олди. — Ҳой Шўнғқи, — деди ўғри кўзларини ўйноқлатиб. — ўйлаб кўрчи, анови икки амалпараст нега яшаринишди экан-а? Ақлинг етяптими, уларнинг биздан бекитиқчи зарур маслаҳатлари бор. Улар мана бу тўпланган нарсалардан яшириб олиб қолишмоқчи. Кўрасан, бизнинг улушимизни беришмайди ҳам. Бундай фирибгарларни олам кўрмаган. Сен ҳадеб ёпишавермасдан бу ёққа юр.

Улар қўранинг ёнида кавуш қайтарib ётган икки сигирни қалтаклаб турғазиб юборишди-да, ўрнини эгаллашди.

— Анави икки ярамас итга суяк ташлагандай қилиб, тўрни жўрттага бизга ташлаб кетишди. Буни иккаламиз ҳам олмайлик, уларга ҳам бермайлик.

— Фозил олсинми, бўлмаса, ёки унга ҳам ўрисники деб алдайликми?

— Шошилма, қулоқ сол, бу тўрни хоннинг бош вазирига совға қилайлик. Унга от, туя олиб борсанг, одамлар кўради, деб олмайди. Тўпланган пулларнинг ихтиёри ҳам бизларда эмас. Манави тўр жуда қимматбаҳо нарса. Бош вазир уни қувона-қувона олади.

— Ундан кейинчи?

— Агар шу гап шу ерда қоладиган бўлса, сенга битта сиримни айтаман.

— Сиригни очсам, кўзимни ўлган қарға чўқисин, белимни синик арава боссин.

— Ундай бўлса, эшит. Мен бош вазир билан тил топишганман. Ҳамма билан тил топишиб кетаверaман. У менга амал бермоқчи, мен хоҳламай юрибман. Чунки, амалдор бўлишдан олдин душманинг ким билиб олиб, белини синдириб қўйиш керак бўлади. Шунда амалинг бақатеракдай шохлайди, япроқ ёзади, гуллайди. Мана ўзинг гувоҳсан, иккомизнинг икки душманимиз кўз олдимизда қирга чиққан балиқ бўлди қолди. Менинг биринчи душманим Соибназар, сеники Мамит.

— Қандай қилиб?

— Ҳозир бизлардан пул яширишяптими? Яширишяпти. Душман деган бошига шох боғлаб юрмайди, мана шулардақа бўлади. Энди буларни шармандаи шармисор қилиш керак.

— «Қандай қилиб? —«Қандай қилиб!» Бош вазирга тўрни бериб, Соибназар билан Мамит улуғ Хива хонининг душмани Эрназар олакўзни қутқариш учун юртдан пул тўплаб юришипти, уларни Фозил бий бошлаб келади, дейиниз ва қанча пул тўпланганини айтамиз. Агар пулни биз айтганимиздан кам олиб боришса, уларни ўғри деб зиндонга ташлатади. Агар тўла олиб боришса, душманни қутқармоқчи бўлиб пул олиб боргани учун, уччаласини ҳам зиндонга солади. Ана ўшандан кейин бутун юрт оёғимизга бош урмаса, менинг олдимга кел.

— Унда ҳозир жўнай қолайлик.

Мовлон сариқ, бирдан ҳадик олди.

— Ҳой қарғиш урган Шўнғқи, менинг ақлим билан яхши отлик бўлиб олмоқчимисан? Вой айёр-ей! Кўрдингми, одамларнинг ҳаммаси устамон бўлиб кетган, Бировнинг орқасидан кун кўради. «Буни қандай адаштириб кетсам экан-а? Йўқ, бу энди менга елимдай ёпишгани ёпишган, бу ерда қолса, сиримни очиб қўяди...»

— Тўрни ким олиб юради? — деди Мовлон ҳаёл суришдан тўхтаб.

— Майли, сенда бўла қолсин.

Мовлон яна ҳавфсираб, унга синчков тикилди.

— Менинг отимга оғирроқ бўлсин деяпсан-да, а?

— Унда мен отимга ортмоқлаб оларман.

— Майли, ўзим-ўзим...

Шўнғқи жиғил ўтин ғарами устидан сакраб тушиб, ҳаккалаганича отига қараб югурди.

Гулзебо Эрназар билан Тенгелни ҳайдаб кетишганини кўрганидан бери юрак-бағри ўт бўлиб ёниб, уйига келиши билан кўзига бало бўлиб кўрина бошлаган чолни ўзи бўғиб ўлдирган бўлса ҳам, қўни-қўшнилар олдида озми-кўпми бирга яшаганмиз, энди гап-сўз қилиб юришмасин деб, азани жойига қўйди. Бойнинг йиғган-терганларини аямай сарфлаб, еттисини ҳам ўтказди.

Уй чакалоғи иккаласига катталик қилиб қолди. Энди ҳаёллари ҳам эркин. Ўтиниб-туриши ҳам бемалол. Бир куни кечаси тонг отгунча ухламай, Эрназар тўғрисида, келажаги тўғрисида ўйланиб чиқиб, эрталаб туриб яшилаб кийинди-да, ундан ҳабар билиб келиш учун уйига борди.

Қари бой ўлганидан кейин эркаклар тугил аёлларнинг ҳам кўзини ўйнатадиган бўлиб ясаниб, сулув тортиб кетган келинчакни Робия биби одатдагидек ҳушламай, чиройли писта бурнини жийириб қабул қилиб, аллақандай иш билан андармон бўлди. У нима билан шуғулланмасин, Гулзебо ниятидан қайтмоқчи эмас. Робия биби унинг сулувлиги билан ўзини солиштириб ўтиргиси келмади, кўлига кепчигини олиб, илашида тегирмон тортгани кетди.

Ишқ-муҳаббат ўт эмас, бироқ яллиғланса, ўчиришга қийин. Гулзебо келишга келиб ўзини ҳар қанча тийишга уринмасин, бўлмади. Туни билан миясига қуйиб олган фикрини онага ҳозиргина ўзида айтиб қўя қолишни жазм қилди, чуқур хўрсинib қўйди. Она кейинги пайтларда уни ёқтирмайдиган бўлиб қолган эди. Совуқкина сўради:

— Нимага келган эдинг?

— Агар қаршилик қилмасангиз, уйингизга уйимни қўшиб, иккинчи келинингиз бўлгим келувди.

Она бирдан жаҳлга миниб, хўроздай ҳурпайди.

— Ўз йўлингдан қолма, бахти қаро одам ўзгани бахтли қилолмайди.

Гулзебо бундай жавоб оламан деб ўйламаган эди. Қайтиб ломмим демай, уйдан аста сиргалиб чиқиб кетди.

Унинг хафалигини юпатгиси келгандай эшигининг олдида Мадрайим кутиб турган экан, унга эргашиб ичкарига кирди. Мадрайим бир чойнак чой ичгандан кейингина гап бошлади.

— Гулзебо, сенинг қари бойга аза тутишинг, хизматинг бутун юртни қойил қолдирди. Ҳар бир эркак ўлганидан кейин сенга ўхшаб қора кийиб аза тутадиган, борини сочиб, ош-худойи қиладиган хотиним бўлса, дейди. Мен ҳам шундай орзуда юрган бир одам эдим. Шуни сенга айтгани келувдим.

Унинг бу куйиб-ёниб гапирган гаплари Гулзебога чивинниг ғинғиллашидай бўлиб эшитилган бўлса ҳам, у ўзини хушвақт тутишга ҳаракат қилди.

— Орзуйинг чакки эмас экан.

— Синалмаган қизларга ишонмайман.

— Бунинг учун ўзинг аввал ўлиб кўришинг керак-да.

Мадрайим калтагина мўйловини силаб ўтириб, хир-хир кулди.

— Ютқаздим, Гулзебо, ютқаздим. Ҳаркалай аёлсиз уй — қўлсиз тана экан.

— Балки, эркаксиз уй танасиз қўлдир, ҳали фарқига етолганимча йўқ.

— Ҳе-ҳе-ҳе-ҳе, Гулзебо, яна ютқаздим. Агар ютиб бўлиб менга эгилсанг ўрнимга отга мингизиб, етаклаб юрсам деган ниятим бор.

Гулзебо унинг баландпарвоз гапларини эшитиб ўтириб, буларни жўрттага гапираётган бўлса керак, деб ўйлаган эди, ҳа деганда ўрнидан туравермай мулойимлик билан гаплашиб ўтиришига қараб, бу фикрини олдини олдин обдон ўйлаб, пишириб, менга кейин келиб айтаётганга ўхшайди, деб кўнглидан ўтказди.

— Хотинни кўз билан эмас, қулоқ билан олиш лозим.

Бешикдаги бола чиқа этиб йиғлади, Гулзебо уни тебрата бошлади.

Мадрайим ёнидаги ёстикни қўлтиғига олиб, ёнбошлади.

* * *

Амударёнинг орқасида ҳарканча бўрон бўлса ҳам Хивада унча сезилмайдиган бўлгани билан, бу ерда ҳам куз ҳар йилдагидан эрта бошланди. Совуқ кундан кунга зўрайиб бораётганидан бир ерда туриб ишлайдиганларга, зиндон қоровулларига қийин бўлди. Ер депсиниб у ёқдан бу ёққа бориб келиб қўлларига куч-қувлаб зиндонни қўриклаб юришар экан, назарларида бор роҳат, фароғат зиндондага ўхшаб туюлади, кейин алам қилганидан махбусларни бўралаб сўкишгани сўкишган.

Чаққон отнинг судрашига етиб юролмай, қалин қорга неча марта йиқилиб, Эрназарнинг бошига тангиланган латта ечилиб кетди, яраси қонади. Тўхтатиб, ярасини боғлаб қўймоқчи бўлган эди, Тенгелга рухсат бершмади. Нима қилиб бўлса ҳам тезроқ Хивага етиб олиш учун пашшопларнинг қўлларидан узун қамчилар тез-тез ишга тушиб турди.

(Давоми бор).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 ЮШКЕНТ ОҚШОМИ

28 ДЕКАБРЬ, 1978 й.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/XII да Сўғд элининг қаҳрамонлари, 29/XII да Спартак.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/XII да Рўйхатларда йўқ, 29/XII да Олтин девор.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 28/XII да Зебо-зебона, 29/XII да Тошкентнинг нозанин маликаси.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ОЛЬГА БОРИСОВА иштирокида ЎРГАТИЛГАН ШЕРЛАР» аттракциони (11, 14, 19.30).

КИНО

28 ДЕКАБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЮЗ МИНГ ВА МЕН» — Тошкент Советининг 50 йиллиги.

«ОКТЯБРЬ НУРАФШОН ЭТГАН ИЎЛ» — Фестиваль.

«АЛЬКОГОЛЛИК ВА СПОРТ — ЎТ БИЛАН СУВ» — Кўнча.

«КРАСНОДОНДАГИ МАНГУ АЛАНГА» — Янгиобод.

«ОНЛА» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги.

«АТТРАКЦИОНЛАР ТАНЛАНАДИГАН УЙ» — Қозоғистон.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МУҲАББАТ ИЗҲОР ЭТИШ» — Чавоий номли, Чайка, Дружба.

«НАСРИДДИННИНГ ИЛК МУҲАББАТИ» — Тинчлик.

«ПЎҚОЛИШ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги.

«ЎТГАН КУНЛАР» — С. Раҳимов номли.

«АСОВ «ОҚҚУШ» — Кўнча, Москва.

«КЎҲИТОФ ФОЖИАСИ» — Ҳамза номли, Лисунов номли, ВЛКСМ 30 йиллиги.

«ХИЗМАТДОШ ОШИҚЛАР ҚИССАСИ» — Дружба (2-зал).

«РАЧА — МЕНИНГ МУҲАББАТИМ» — Восток.

«ОҚ КЕМА» (эрталаб), «МИМИНО» (кечқурун) — Пионер.

«ГАЛАТИ АЁЛ» — Искра.

ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — Навоий номли, Ҳамза номли, Лисунов номли, С. Раҳимов номли, Ғ. Ғулом номли, Тошкент Советининг 50 йиллиги, Ўзбекистон ССР 25 йиллиги, ВЛКСМ 30 йиллиги, Ғунча, Қозоғистон, Чайка, Кўнча, Пионер, Нукус, Москва, Дружба, Фестиваль, Мир, Восток, Янгиобод, Тинчлик.

29 ДЕКАБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЮЗ МИНГ ВА МЕН» — Тошкент Советининг 50 йиллиги.

«ОКТЯБРЬ НУРАФШОН ЭТГАН ИЎЛ» — Фестиваль.

«АЛЬКОГОЛЛИК ВА СПОРТ — ЎТ БИЛАН СУВ» — Лисунов номли.

«БИЗ ЭКИПАЖ АЪЗОЛАРИМИЗ» — Мир.

«ДАРВОЗАНИНГ УЧИНЧИ ТАВАҚАСИ» — Дружба.

«ЎРТОҚ БЕРЛИН» — Восток.

«КРАСНОДОНДАГИ МАНГУ АЛАНГА» — Янгиобод.

«АТТРАКЦИОНЛАР ТАНЛАНАДИГАН УЙ» — Қозоғистон.

«ОНЛА» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

МУҲАББАТ ИЗҲОР ЭТИШ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги, ВЛКСМ 30 йиллиги, Чайка, Нукус, Дружба, Москва.

«КЎҲИТОФ ФОЖИАСИ» — Лисунов номли, Тинчлик, Янгиобод.

«РАЧА — МЕНИНГ МУҲАББАТИМ» — Кўнча, Восток.

«БИР ҚАРАШДАГИ СЕВГИ» — Ғ. Ғулом номли.

«РУСТАМ ҲАҚИДА ДОСТОН» — Ғунча.

«ОҚ КЕМА» (эрталаб), «МИМИНО» (кечқурун): — Пионер.

«ГАЛАТИ АЁЛ» — Искра.

ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ: — Навоий номли, Ҳамза номли, С. Раҳимов номли, Ғ. Ғулом номли, Ўзбекистон ССР 25 йиллиги, Тошкент Советининг 50 йиллиги, ВЛКСМ 30 йиллиги, Ғунча, Қозоғистон, Чайка, Кўнча, Пионер, Нукус, Москва, Дружба, Фестиваль, Лисунов номли, Мир, Восток, Янгиобод, Тинчлик.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

«ЎЗТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» бошқармаси ҳузуридаги

«СЕРВИС» АГЕНТЛИГИ

«СОСНОВАЯ РОЩА» ДАМ ОЛИШ УЙИ ВА «ПОДМОСКОВЬЕ» (Москва яқинида) ПАНСИОНАТИГА 25 январь 7 ва 20 февраль, 5, 12, 18, 24, 30 мартдан 12 кунга

ПУТЕВКАЛАР СОТАДИ

Баҳоси — 45 сўм ва 57 сўм.

ПУТЕВКАЛАРНИ НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» проспекти, Ц-13, 35-уй (17, 49-автобуслар, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси» бекати). Телефон 41-79-15.

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

30 ДЕКАБРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА

ЛИРИК АШУЛА, РАҚС ВА АСКИЯ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

АСКИЯЧИЛАР:

Жамол ЗАИНИДДИНОВ, Жалолиддин РАҲИМОВ, Бўрибой МИРЮСУПОВ, Маърифжон РАҲИМОВ, Фозилжон СУЛТОНОВ.

ХОНАНДАЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

Шариф СУЛТОНОВ ва Ҳодисхон ҚОДИРОВА.

Фахриддин УМАРОВ, Ҳадича АЛИМАРДОНОВА, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Гуломжон ДАДАХОНОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Ойхон ЕҚУБОВА, Ҳасан КАРИМОВ.

РАҚҚОСАЛАР:

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати Карима УЗОҚОВА

Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Мусика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ ва Мавжуда ХОЛДОРОВА олиб борадилар.

1 ЯНВАРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА

Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз санъат шинавандалари!

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

Олмахон ҲАЙИТОВА, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Ҳолисхон ҚОДИРОВА.

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати КАРИМА УЗОҚОВА

Солистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Ҳадича АЛИМАРДОНОВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Ойхон ЕҚУБОВА, Нуржаҳон САТТОРОВА, Ҳасан КАРИМОВ, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Мусика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ ва Мавжуда ҲОЛДОРОВА олиб борадилар.

Филармониянинг бадиий раҳбари — Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотларининг лауреати, композитор Мирсодиқ ТОЖИЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

СОВҒАЛАР УЧУН— «БОЛАЛАР ДУНЁСИ»ГА

ЯНГИ ЙИЛ — БОЛАЛАРНИНГ ЭНГ СЕВИМЛИ БАЙРАМИ!

Соҳибжамол яшил арча атрофида ҳамма чиройли кийинишни хоҳлайди. Байрамда янги кўйлак, туфли, костюм кийиш қанчалик ёқимли.

ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

БАЙРАМ ОЛДИ КУНЛАРИ СИЗЛАРНИ «БОЛАЛАР ДУНЁСИ» УНИВЕРМАГИ ВА УНИНГ ФИЛИАЛЛАРИГА ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

Қиз болалар учун сиз у ердан чиройли кўйлаклар, трикотаж маҳсулотлари, ўғил болаларга — кўйлаклар, шимлар, костюмлар танлай олишингиз мумкин. Савдода мактаб ва пионер формалари, кузги ва қишки пальтолар, бош кийимлар, пойафзаллар ҳам мавжуд. Болаларга янги йил совғалари харид қилишни ҳам эсдан чиқарманг.

Қўғирчоқлар, стол ўйинлари, велосипедлар, чаналар, самокатлар, турли ўйинчоқлар, болалар пластинкалари, китоблар, бўёқлар, қаламлар — ана шу предметларнинг ҳар бири кичкинтойлар учун ёқимлигина совға бўлади.

Уйда арча ясатиш — бу бутун оиланинг байрами демакдир. Уни жуда чиройли безаш мумкин; агарда сиз ўз вақтида арча ўйинчоқлари — ёмғир, серпантин, қор учқунларини сотиб олсангизгина

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ»да, ЧУНОНЧИ БОЛАЛАР УЧУН КАРНАВАЛ КОСТЮМЛАРИ, МАСКАЛАР, СУНЪИЙ АРЧАЧАЛАР МАВЖУД.

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» УНИВЕРМАГИ ВА УНИНГ ФИЛИАЛЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

АДРЕСЛАР:

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» УНИВЕРМАГИ — Первомайский кўчаси, Ц-1 ва Ц-2, 4 ва 5-уйлар.

«РАДОСТЬ» — Ш. Руставели кўчаси, 20-уй.

«ТОҲИР ВА ЗУҲРА» — Октябрь бозори.

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» — Фарҳод ярмаркаси.

Павильонлар: «ИГРУШКА», «ЮНИЙ ТЕХНИК», «ОБУВЬ ДЕТСКАЯ», «ДЕТСКИЙ ТРИКОТАЖ», «ШВЕЙНИЕ ИЗДЕЛИЯ» — **шаҳар ярмаркаси, Навоий кўчасида.**

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ: «БОЛАЛАР ДУНЁСИ» УНИВЕРМАГИ **соат 10.00 дан 20.00 гача;** ФИЛИАЛЛАРИ — **соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди.**



30 ВА 31 ДЕКАБРДА ҲАММА МАГАЗИНЛАР СОАТ 10.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» УНИВЕРМАГИ.

ЯНГИ ЙИЛ КИРИБ КЕЛЯПТИ

ЯНГИ ЙИЛНИНГ ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАНИНИ ХИЁБОН ВА МАЙДОНЛАРДА ЯШИЛ АРЧА, МАГАЗИНЛАРДА АРЧА ЎЙИНЧОҚЛАРИ ВА БЕЗАКЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛИНАЁТГАНИДАН СЕЗСА БЎЛАДИ.



ЯНГИ ЙИЛДА ҲАР БИР ХОНАДОНГА ХУШЧАҚЧАҚ КАЙФИЯТ ВА СЎЗСИЗ БАЙРАМ СОВҒА-САЛОМЛАРИ КИРИБ КЕЛАДИ.

Ҳурматли харидорлар!

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ

СИЗЛАР УЧУН ЯНГИ ЙИЛГА РАНГ-БАРАНГ ТОВАРЛАР ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Чиройли табиий ва сунъий ипакдан, трикотаждан тикилган бежирим кўйлаклар, костюмлар, свитер, кофточкалар, жемперлар, портфель, спорт сумкаси, қўлқоплар, электр бритва, соатлар, фотоаппаратлар, кўйлакликлар, шим-юбкалар, ажойиб совға бўла олади.

Пойафзал бўлимига кириб ўтишни ҳам асло унутманг. Ахир, яхши туфли бисотингизда унчалик кам роль ўйнамайди.

Ёток кийими, дастурхон, қалин сочиқлар, иссиқ паҳмоқ плед ва шерсть одеяллар ҳам ёқимли совғалардир.

Парфюмерия ва косметика бўлимида сиз истаган атир, крем, упа, лосьон, одеколон, соқол олиш учун пасталарни дидингизга қараб танлай оласиз. Чиройли ленталар, отриткалар, андак ўй ва фантазия юритсангиз янги йил совғангиз тайёр деяверинг.

БАЙРАМ СОВҒАЛАРИНИ «СУВЕНИРЛАР» БЎЛИМИ СОТУВЧИЛАРИ ТАЙЁРЛАШГАН: СУЯК, ПЛАСТМАССА, МЕТАЛЛ, ЁҒОЧ, КЕРАМИКАДАН ИШЛАНГАН БУЮМЛАР, МИЛЛИЙ ДЎППИЛАР, ГУЛЛИ СЎЗАНА, УИДА, КИПИЛАДИГАН ТУФЛИЛАР.

Энг кичкинтойлар учун энг яхши Қорбобо совғаси ўйинчоқлардир. Ўйинчоқлар юмшоқ, дам бериладиган; пластмасса, темир, резинадан ишланган. Ёркин бўёқли, қувноқ ўйинчоқлар болаларингизга қувонч ҳадя этади.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ СИЗЛАРНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ ВА БАЙРАМ САВДОСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ.

ҲАР УЙДА БАЙРАМ

ЯНГИ ЙИЛ ЯНГИЛИКЛАРГА ҲАМИША БОЙ БЎЛАДИ. ЯНГИ РЕЖАЛАР, ЯНГИ ОРЗУ-УМИДЛАР, ЯНГИ ҚУВОНЧЛАР.

Шу туфайли ҳам янги йилда биз ўз уйимиз учун янги буюмлар сотиб олишни ёки қариндош-уруғлар ва дўстларимизга тортиқ қилишни яхши кўрамиз.

Яшил арчани ясатишдан ташқари ҳар бир уй бекаси янги йил байрам столини кўнгилдагидек безашга ҳаракат қилади. Стол устида санъат асарини ўзида мужассам этган шиша ва хрусталь буюмларини, чинни ва мельхиор асбобларини кўриш қанчалик ёқимли. Агарда Сиз байрам столини идишлар билан безашни олдиндан ўйлаб қўйсангиз ва уларни аввалдан сотиб олсангиз, столингиз чиндан ҳам чиройли ва у ҳақиқий байрам кайфиятини яратади.

ОШХОНА ЖИҲОЗЛАРИНИ СИЗ «ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Бу магазинларда 12 кишилик япон ошхона чинни сервизлари, хрусталь идишлар, конфетдонлар, гулдонлар, рюмкалар, фужерлар (хрусталь ва рангдор шишадан ишланган), беш предметли «Ором» сервизи (қора пластмасса билан безак берилган металл идишлари), мельхиор вилка, пичоқ, қошиқлар катта ассортиментда мавжуд.

Торшер, люстра, бра, турли ёриткичлар янги йилга ажойиб совға бўлади.

АЛБАТТА, ЯНГИ ЙИЛ МУЗИКАСИЗ ЎТМАЙДИ. АГАРДА КИМДА КИМ РАДИОЛА, МАГНИТОФОН, ПРОИГРОВАТЕЛЬ, ТЕЛЕВИЗОР СОТИБ ОЛМОҚЧИ БЎЛСА, БУНДАЙ ХАРИДНИ ЯНГИ ЙИЛ КИРИШ АРАФАСИДА АМАЛГА ОШИРИШНИ МАСЛАҲАТ БЕРАМИЗ.

БУ БУЮМЛАРНИ СИЗ «ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ ИСТАЛГАН МАГАЗИНИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Эслатиб ўтамиз: Киров кўчасидаги 17-уйга жойлашган 55-магазиндагина сиз эски телевизор, радиолаларни янгиларига алмаштира олишингиз мумкин. Бунда сизга имтиёзли шартлар яратиб берилади — кредит муддати 2 йилгача узайтирилади.

Ана шу ернинг ўзида люстра, торшер, бра, ёриткичлар, эркаклар ва аёлларнинг қўл соатлари, девор ва стол соатлари, радио деталлар, электр иситиш асбоблари жуда кенг ассортиментда мавжуд.

Янги йилда ҳар ким болаларига совға-саломлар улашади. Катта ёшдаги мактаб ўқувчига пластинкалар, фотоаппарат, кино камера, кичик ёшдаги болаларга эса ўйинчоқлар, конструктор ҳадя қилиш мумкин.

БОЛАЛАР УЧУН ЎЙИНЧОҚЛАР СОТИБ ОЛИШ УЧУН «ЎЙИНЧОҚЛАР УЙИ»ГА — «ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ 30/1-МАГАЗИНИ ФИЛИАЛИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

МАГАЗИНЛАР АДРЕСЛАРИНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:

5 — Госпиталь бозори.
8— Черданцев кўчаси, 22-уй.
9 — Строительний кўчаси (ДСК-1).
10 — Фарҳод кўчаси, 1-уй (Чилонзор массиви, 12-квартал).
17/1 — Сергели, Ц-3, (бозор).
9/2— Янгиобод турар жой массиви,
22—«1000 хил майда-чуйда» — Муқимий кўчаси, 41-уй.
24/2— Високовольтний бозори,
25 — Навоий кўчаси, 24-уй.
26 — Куйбишев шоссеси, 468-уй.
37/1— Олой бозори.
40 — Халқлар дўстлиги проспекти (Чилонзор массиви, 5-квартал).
47— Муқимий кўчаси, 1-уй.
50/2 — Авиақурувчилар шаҳарчаси.
55 — Киров кўчаси, 17-уй.
29/1— Октябрь турар жой массиви.
30/1—Навоий кўчаси, Янги шаҳар ярмаркаси.



«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!
«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ».
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

28 ДЕКАБРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.45 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали 18.30 «Фан оламида». 19.00 «Расмларда қўёш акси бор». 19.15 «Оламда нима гап?». 19.30 «Миллионлар ленинча университети». «Партия жасорати — халқ жасорати». Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» китоби материаллари асосида. 20.00 К. М. Вебер. «Рақсга таклиф». 20.10 Москва Бадиий академик театрининг 80 йиллигига. «Бизнинг театр ҳақида». Ҳужжатли фильм. Театрнинг бош режиссёри, СССР халқ артисти О. Н. Ефремовнинг кириш сўзи билан бошланади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Давранг кенг олинг». Эстрада программаси. 23.45 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Моҳир қўллар». 18.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 70-йиллар комсомоллари» (рус.). 18.55 «Оқ олтин»га — олий сифат». Хазорасп шахта тозалаш заводи. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Совриларимиз — энг яхши механизаторларга». Кўрсатув ва концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Одамлар заминда галла ўстирдилар, замин одамларни камол топтирди». Ёзувчи Одил Ёқубов сўзи. 21.05 «Кечки концерт». Телевизион фильм-концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Меҳнат галабангиз муборак, Ўзбекистонлик пахтакорлар». Тожикистон телевидениесининг махсус кўрсатуви. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Экранда — кинокомедия». «Бахт кулиб боққанда» (рус.). 20.25 «Шаҳзода ва Золушка». Телевизион фильм-балет. 20.50 Тошкент янгиликлари. 21.10 «Тошкент» телепрограммаси. «Зарбдор йилга — зарбдор иш». 21.40 «Ақлга чегарада хизмат қилади». Телевизион ҳужжатли фильм.

29 ДЕКАБРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.00 Болалар учун. «Қизил Шапкача ҳақида». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серийлар. 12.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 15.55 Белоруссия ССР Давлат халқ хорининг концерти. 16.25 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». «СССР гражданлиги». Кўрсатувда СССР Юстиция министрининг биринчи ўринбосари А. Я. Сухарев иштирок этади. 16.55 Чанги спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. Эркаклар. 15 километр. Красногорскдан олиб кўрсатилади.

18.00 «Москва ва москваликлар». 18.30 «Қувноқ нотлар». 18.45 «Биз БАМ қураяпмиз». 19.15 «Оламда нима гап?». 19.30 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси электр музикали асбоблари ансамблининг концерти. 20.00 «Марказий телевидение экранида биринчи марта», «Парвоз фалак». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Қувноқ болалар». Телевизион конкурс. 23.35 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚАНИКУЛ КУНЛАРИДА

11.30 Болалар учун концерт. 12.05 «Аловуддининг сеҳрли чироғи». Бадиий фильм.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз ишчи бўламиз». 18.25 «КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Тежамкорлик — коммунистик хислат». 18.40 «Инсон болаликдан бошланади» (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.) 19.30 «Оламга саёҳат». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион порграммаси. 22.05 «Болажон қиз». Бадиий фильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Қордан қоргача». Бадиий фильм. 20.30 «Кругозор». Илмий-оммабоп программа (рус.). 21.00 Тошкент янгиликлари. 21.20 «Бизнинг бош мухбиримиздан» (рус.). 21.50 «Молдаван қишлоғининг янгиликлари». Телевизион ҳужжатли фильм. 22.05 «Севги ҳақида қўшиқлар». Концерт.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

28 ДЕКАБРЬ, 1978-й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85, шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95 спорт ва харбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 38-81-42, нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р 07985

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579.

Нашр Д — 1501.